**СЕН – ҚУДРАТ МАНБАИ, САОДАТ МАСКАНИ, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!**

Bosh maqsadimiz – xalq manfaatlariga xizmat qilish

# Postda
# На посту

2020-yil
27-avgust
payshanba

№ 30 (4468)

O'zbekiston Respublikasi
Ichki ishlar vazirligi nashri

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan / Web-site: www.postda.uz / E-mail: info@postda.uz

МУСТАҚИЛЛИК ТЕНГДОШЛАРИ

## Фахрдир, шарафдир Ватанга хизмат

Мустақиллик тенгдошлари билан суҳбатлашарканcиз, уларда ўзгача ғайрат-шижоат ҳамда фахр-ифтихор туйғуларини пайқаш қийин эмас. Бошқа соҳаларда бўлгани каби, мамлакатимиз ички ишлар органларида ҳам она Ватанимиз тинчлиги ва фаровонлиги, равнақига камарбаста мустақиллик тенгдошлари кўпчиликни ташкил этади.

Яшнобод тумани ИИОФМБ 7-сонли ИИБ канцелярия катта иш юритувчиси, сафдор Моҳинур Ботирова ана шундай жонфидо ходимлардан биридир. Унинг ички ишлар органларида хизмат фаолиятини бошлаганига эндигина тўрт йил бўлди. Бироқ шу қисқа муддат ичида ўзининг тиришқоқлиги, хизмат вазифасига сидқидилдан ёндашиши, ҳар қандай ишда жонбозлик кўрсатиши билан ҳамкасблари ҳурматини қозонган.

2



ИФТИХОР

# БЕҲАЛОВАТЛАР БИЛАН БИРГАМАН



Ҳар йили 1 сентябрда бир йўла учта шодиёнани нишонлаймиз. Чунки Ватанимиз мустақил деб эълон қилинган кунда ҳам дадам, ҳам менинг туғилган куннимни байрам қиламиз.

Истиқлолга эришганимизда, 10 ёшда эдим. Ўша куни шодлик устига шодлик бўлгани, қолаверса, Ўзбекистон ҳур мамлакатга айлангани учун ота-онам роса қувонишганди. Мен ҳам бу хурсандчиликнинг сабабини, энди шу юрт, шу макон, шу муқаддас замин билан тақдиримиз туташ эканини бола қалбим билан ҳис қилганман.

Кўп ўртоқларим менга ҳавас қилишарди. Энг қизиғи, менинг кейинги танловимда ҳам бу ўз аксини топди. Дадам истеъфодаги подполковник Баҳриддин Исманов ички ишлар органларида кўп йиллар хизмат қилган. Уларга доим ҳавас қилардим. Мен ҳам уларнинг ортидан бордим. Бу танловим нафақат орзуимга эриштирди, балки Ватан олдидаги фарзандлик бурчимни адо этиш имконини ҳам берди.

Истиқлолимизнинг ўтган йигирма тўққиз йили муҳим воқеа-ҳодисаларга бой бўлди. Салмоқли ютуқлар, қувончли воқеалар билан бирга, оғир синовларни ҳам бошдан кечирдик. Энг муҳими, синовли кунларда халқимиз қайғуга тушиб, ўртанса-да, йўлини йўқотмади, иродаси букилмади.

Бугунги ўзгаришлардан эртамиз кечаги кунга ўхшамай боряпти. Бу эса бизнинг қадам-бақадам юксалиб бораётганимиздан далолатдир. Улғайиш палласида ана шу ҳақиқатларни тушунганим сайин истиқлолнинг моҳиятини янада кенгроқ, теранроқ англадим. Булар мени Ватанга тамасиз фидолик қилиш кераклигига ўргатди.

Ахир, Ватан ўз-ўзидан Ватан бўлмайди-да. Бунинг учун юрт эгасидан тортиб деҳқону талабагача, боғбондан шоиргача, ҳарбийдан ҳайдовчигача – неча-неча кишиларнинг меҳнати, интилиш ва ҳаракатлари, бедор, беҳаловат юраклар керак бўлади. Мен ҳам, ана шу беҳаловатлар ичида эканимдан чексиз фахрланаман.

**Исомиддин ИСМАНОВ,**
**Сурхондарё вилояти ИИБ Ташкилий бошқармаси бошлиғи, подполковник.**




# ТАЙИНЛАНДИЛАР



**Подполковник**
**Нормаматов**
**Анвар Маматович**

Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ўринбосари лавозимига.

Тайинловга қадар Қизириқ тумани ИИБ бошлиғи лавозимида хизмат қилган.



**Полковник**
**Абдуразаков**
**Абдувосит Абдулхаевич**

Тошкент шаҳар ИИББ Сирғали тумани бўйича ИИОФМБ бошлиғи лавозимига.

Тайинловга қадар вазирлик Жиноят қидирув бош бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича тезкор вакили лавозимида хизмат қилган.



**Подполковник**
**Эргашев**
**Эльёр Урдушевич**

Тошкент шаҳар ИИББ Бектемир тумани бўйича ИИОФМБ бошлиғи лавозимига.

Тайинловга қадар Сирдарё вилояти ИИБ Жиноят қидирув бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари-ўзгалар мулкини талон-торож қилишга қарши курашиш бўлими бошлиғи лавозимида хизмат қилган.



**Подполковник**
**Жалилов**
**Абдувохид Наимович**

Жондор тумани ИИБ бошлиғи лавозимига.

Тайинловга қадар Вобкент тумани ИИБ бошлиғи лавозимида хизмат қилган.



**Подполковник**
**Ашуров**
**Азизжон Ражабович**

Вобкент тумани ИИБ бошлиғи лавозимига.

Тайинловга қадар Олот тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари лавозимида хизмат қилган.

# Фахрдир, шарафдир Ватанга хизмат



*(Давоми. Бошланиши 1-бетда).*

– Мустақиллик билан тенгдошлигим қалбимга фахр ва ғурур бағишлашдан ташқари, зиммамга ўзгача масъулият ҳам юклайди, – дейди Моҳинур Ботирова. – Бу улуғ неъматни кўз қорачиғидек авайлаб-асраш, унинг қадрига етиш ҳаётимнинг мазмунига айланган, десам, муболаға бўлмас. Шу маънода, она Ватанимиз тинчлик-осойишталигига ҳисса қўшишдек шарафли ва масъулиятли соҳа фидойилари билан бир сафда эканимдан доимо фахрланаман.

Дарҳақиқат, она Ватан тинчлиги ва халқимиз осойишталигини таъминлашга ҳисса қўшиш улуғ бахт. Касбини юракдан севган кишигина бу бахтни ҳис қилиши мумкин. Ўтган вақт мобайнида М. Ботирова ҳужжатлар билан ишлаш, фуқаролар билан муомала қилиш каби соҳанинг сир-асрорларини пухта ўрганди. Унинг яна бир бахти умр йўлдошининг ҳам шу соҳада хизмат қилаётганидир. Умр йўлдоши, ИИВ Молия ва моддий-техника таъминоти департаменти Хўжалик бошқармаси бўлинмалари Алоҳида қўриқлаш отряди сафдор ходими Аброр Ишнаев ҳар томонлама уни қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Кези келганда айтиш лозимки, ички ишлар органлари ходимларининг хизмат фаолиятида оиладаги муҳит жуда катта аҳамият касб этади. Зеро, ҳар куни кўплаб турли тоифадаги инсонлар билан мулоқотда бўлишига тўғри келадиган осойишталик посбонининг ўз оиласида тинчлик-хотиржамлик бўлсагина, у касбига масъулият билан ёндашади.

**Шерзод АБДУСАМАДОВ.**
**Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.**

MUSTAQILLIGIMIZGA 29 yil

## МУСТАҚИЛЛИК ИНШООТЛАРИ

Сирожиддин САЙЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири.

### ВАТАН ДЕСАМ...

*Бу диёрнинг айвонлари нурга талош,*
*Бу диёрнинг кайвониси ою қуёш.*
*Ватан десам кўзимда ёш, юзимда ёш,*
*Кўзга суртай нонларини, нонларини.*
*Тирикликнинг заҳматлари, тақдирлари,*
*Ҳаётининг бор ҳикмат ҳам тадбирлари,*
*Эй, онамнинг тупроққина тандирлари,*
*Иситгансиз жонларини, жонларини.*
*Ким Ватанни зар тўнига енг этмишдир,*
*Ким бағрини осмонлардай кенг этмишдир.*
*Яратганнинг ўзи бугун тенг этмишдир*
*Асрларга онларини, онларини.*
*Бир суворий келмоқдадир — Бобурми ё?*
*Ҳиротми ё, Ҳиндистонми ёки Кўнё,*
*Кўриб келди, бундан сўнг ҳам кўрсин дунё*
*Султонлари, хонларини, хонларини.*
*Бу диёрнинг айвонлари нурга талош,*
*Бу диёрнинг кайвониси ою қуёш,*
*Ватан десам кўзимда ёш, юзимда ёш,*
*Кўзга суртай нонларини, нонларини.*
*Нечун ўтмоқ ҳасад экиб умрларга,*
*Дилни ўраб ғараз, риё — кўмирларга?*
*Ҳавас қилиб яшанг улуғ Темурларга,*
*Эл билгайдир шонларини, шонларини.*



Талабалар шаҳарчасида барпо этилган
Инновацион ривожланиш вазирлигининг янги биноси.

Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

## ЮКСАК МУКОФОТ СОҲИБЛАРИ

# «БУ – БИЗНИНГ БУРЧИМИЗ»

дейди Жиззах вилояти ИИБ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармасининг патруль-пост хизмати батальони гуруҳ командири, «Шуҳрат» медали соҳиби, катта сержант Сардор Орифжонов



**Ҳаётдан қониқиб яшаш учун қилаётган ишингдан, касбингдан завқ туйишинг керак. Сардор Орифжонов билан суҳбатлашиш асносида беихтиёр шу фикр хаёлга келди. Ҳар бир сўзи унинг ички ишлар органлари ходими эканлигидан фахр туйишини сездириб туради. Сардор билан диллашганингиз сайин кўз ўнгингизда ўзини тўлалигича одамлар осойишталигини асрашга сафарбар этган инсон қиёфаси намоён бўлади.**

Дарҳақиқат, Сардор самимий, ҳеч кимдан ёрдамини аямайди, оғир вазифаларни зиммасига олишдан қочмайди. Қўл остидаги ходимлар жипслигини таъминлаб, хизматни аъло даражада бажаришга йўналтира олади. Мазкур фазилатлари туфайли сафдошлари уни ҳурмат қилишади, эъзозлашади.

Ҳа айтганча, мақоламиз қаҳрамони Жиззах вилояти ИИБ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармасининг патруль-пост хизмати батальони гуруҳ командири. Уни соҳага болалик орзуси етаклаб келган. Жиззах шаҳрида туғилиб ўсган Сардор Орифжонов касб-ҳунар коллежини тамомлагач, ҳарбий хизматга жўнаб кетди. 2012 йилда эса Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсларида таълим олди.

Ички ишлар органларидаги фаолиятини Жиззах вилояти ИИБ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармасининг оммавий тадбирларни ўтказиш вақтида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича махсус отряди инспектори лавозимида бошлади. Йиллар унинг тажрибасини оширди, соҳанинг малакали мутахассисига айлантирди.

У хизмат фаолияти давомида ўнлаб жиноятларни фош этди, қонунбузарларни ушлади, кимларнингдир эса жонига ора кирди. Лекин Сардор булардан кибрланмайди, «Бу бизнинг бурчимиз», дея ишига аниқ ва лўнда баҳо беради.

Маълумот ўрнида айтиш керак, жорий йилнинг ўтган даврида катта сержант Сардор Орифжонов гиёҳванд моддалар ҳамда ов қуролини сақлаш билан боғлиқ иккита жиноятни фош қилди. Шунингдек, Сирдарё вилоятидаги «Сардоба» сув омбори дамбасидаги ўпирилиш оқибатларини бартараф этишда фаол қатнашди. Сув тошқини хавф солиши мумкин бўлган ҳудудлардан аҳолини кўчириш ҳамда бўшаб қолган яшаш жойларида қаровсиз қолган моддий бойликларни қўриқлашда ички ишлар органлари ходимига хос жасоратни намоён этди.



Пандемия шароитида «COVID-19» инфекцияси тарқалишининг олдини олиш борасида ҳам сафдошларига ўрнак бўлди. Жумладан, санитария ва дезинфекция ишларини ташкил этиш, карантин қоидаларига амал қилинишини таъминлаш борасида жонбозлик кўрсатди. Табиийки, унинг ҳалол хизматлари ўз ўрнида муносиб баҳоланмоқда.

Шогирдининг юксак мукофот соҳибига айланишига муносиб ҳисса қўшган вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ патруль-пост хизмати батальони командири, подполковник Умар Қодиров у эришган муваффақиятлардан масрурлигини шундай изҳор қилди:

— Сардор Орифжонов синчков, интизомли, масъулиятли, ҳақиқий осойишталик ҳимоячиси. — У бўлинма бошлиғи сифатида ташкилотчилик қобилиятини намойиш қилиб, шахсий таркибга намуна бўлмоқда. Шу маънода, жонкуяр сафдошимизнинг «Шуҳрат» медали билан тақдирланганини барчамизни бирдек қувонтирди.

Қисқаси, халқимизнинг Сардор каби фарзандлари бор экан, юрт тинч, кўнгиллар хотиржам.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**

*Жиззах вилояти.*

## ҚОРОВУЛ ҚЎШИНЛАРИДА



### ЮТУҚ ВА КАМЧИЛИКЛАР МУҲОКАМАСИ

Яқинда ИИВ Қоровул қўшинларида Тошкент ҳарбий прокуратураси билан ҳамкорликда йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда Қоровул қўшинлари қўмондонлиги ва Тошкент ҳарбий прокуратураси раҳбарияти, ҳарбий қисм, батальон командирлари, уларнинг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосарлари қатнашди. Унда 2020 йилнинг ўтган 7 ойи давомида ҳарбий қисмларда тарбиявий ва мафкуравий ишларни ташкиллаштириш борасида амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди. Шунингдек, бу соҳадаги эришилган ютуқлар ҳамда йўл қўйилган камчиликлар муҳокама қилинди.

Йиғилишда тарбиявий ва мафкуравий ишларни ташкил этиш соҳасидаги ишларнинг самарадорлигини ошириш бўйича бир қатор таклифлар ва тавсиялар берилди. Шунингдек, йил якунига қадар амалга оширилиши лозим бўлган бир қатор истиқболли вазифалар жумладан, қўшинларда тарбиявий ва профилактик ишлар самарадорлигини янада ошириш бўйича концепция ишлаб чиқилиши вазифаси қўйилди.

**Абубакир ЭРГАШЕВ,**
**майор.**

### ХАЛҚИМИЗГА ХОС ФАЗИЛАТ



Навоий вилоятида жойлашган 7532-ҳарбий қисмда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, яқинда вилоят марказидаги 1-сонли Меҳрибонлик уйида ҳарбий қисм оркестри жамоаси ва бир гуруҳ санъаткорлар иштирокида концерт дастури намойиш этилди. Ушбу ўзига хос санъат байрами бу ердаги тарбияланувчиларга олам-олам завқ-шавқ, қувонч бахш этди. Шунингдек, уларга карантин қоидаларига қатъий амал қилишлари кераклиги тушунтирилиб, шахсий гигиена воситалари ҳадя қилинди.

Бундан ташқари, ҳарбийлар Навоий шаҳрининг «Мустақиллик» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилаларга истеъмол учун зарур бўлган 7 турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини тарқатишди. Энг асосийси, ҳозирда ҳам ушбу маҳалла аҳлини қийнаётган муаммоларни ҳал этишга амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

**Ҳасан ҚОДИРОВ,**
**оддий аскар.**

### БАРЧАГА ҚУВОНЧ БАҒИШЛАДИ

Қашқадарё вилоятида жойлашган 7533-ҳарбий қисмда муддатли ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг ўзаро офлайн учрашуви ташкил этилди.

Учрашув аввалида Ватан ҳимоячиларининг ота-оналарига фарзандлари учун ҳарбий қисмда яратилган шарт-шароитлар ва уларнинг хизмат жараёни тасвирланган видеолавҳа намойиш этилди. Шундан сўнг ота-оналарнинг ҳам ўз жигарбандларига йўллаган меҳр-муҳаббат ва соғинч ҳисларига лиммо-лим дил изҳорлари мужассам бўлган видеомурожаати муддатли ҳарбий хизматчиларга намойиш қилинди.

Бундан кўзланган асосий мақсад аскарлар руҳиятига ижобий таъсир кўрсатиш орқали уларнинг она Ватанга садоқат, хизмат бурчига масъулият каби юксак туйғуларини янада оширишдан иборат эди. Аскарлар яқинларининг дил сўзларидан, даъватларидан руҳланиб, энди янада фидойилик билан хизмат қилишлари шубҳасиз.

**Михли САФАРОВ,**
**«Postda» мухбири.**

## МУСТАҚИЛЛИК МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА



# «УСТОЗЛАРИМ МАСЛАҲАТИГА ДОИМ АМАЛ ҚИЛАМАН»

Мен истиқлол фарзандиман. 1992 йилда Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманида туғилганман. Мустақиллик йилларида ўқидим, камолга етдим.

Ўрта мактабда ўқиб юрган пайтларимда ички ишлар органлари ходимларининг хизмат кийимига ҳавас билан қарардим. Наздимда, ички ишлар органи ходими халқнинг оғир кунида ёрдам берадиган, жиноятчиларни ушлайдиган, адашганларга тўғри йўл кўрсатадиган, жабрланганларни ҳимоя қиладиган ҳақиқий қаҳрамонлар эди, ўшанда.

Кейинроқ улғайиб билдимки, аслида ҳам шундай экан.

Болаликдаги орзуларим сабаб 2013 йилда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясига ўқишга кирдим. 2017 йилда ўқишни тамомлаб, Фарғона тумани ИИБ ҳузуридаги тергов бўлимида терговчи вазифасида иш бошладим.

Хизматга киришган биринчи кунимдан ҳозиргача онамнинг, устозларимнинг, она халқимизнинг ишончини оқлашга ҳаракат қиляпман.

Донишмандлардан бирининг «Одамзод доим ўқиб-ўрганиши, умрининг охиригача изланишдан тўхтаб қолмаслиги керак», деган фикрига амал қилган ҳолда, ўз устимда тинимсиз ишлайман. Шу соҳада тажриба тўплаган устозларимнинг маслаҳати, ўгитларига доим қулоқ соламан. Биламанки, ҳаётда кўпни кўрган, тажрибали одамларнинг ҳар бир сўзида ҳикмат мужассам бўлади.

Устозларимнинг айтишича, жиноятлар ҳар томонлама, тўла ва холисона тергов қилинса, суриштирув ва дастлабки терговни юритишда қонунийликка сўзсиз риоя этилса, адолат доим тантана қилаверади.

Бунинг учун, албатта, ҳар бир терговчи хизмат фаолиятини тартибга солувчи буйруқ ва йўриқномаларни яхши билиши ҳамда уларни амалиётда тўғри қўллаб, ўзининг назарий ва амалий билимларини ошириб бориши керак.



Қисқагина хизмат фаолиятим давомида юртимизда ёшларга яратиб берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиш мақсадида турли кўрик-танловларда ҳам ўзимни синаб кўрдим.

Жумладан, 2017 йилда ўтказилган «Буюк келажагимиз посбонлари» республика кўрик-танловида фахрли 1-ўринни эгалладим. 2019 йилда Ички ишлар вазирлигида ўтказилган «Намунали тергов жамоаси» республика кўрик-танловида 3-ўринга сазовор бўлдим.

Бундай ютуқларим, албатта, юртимизда ёшларга берилаётган имкониятлар меваси, истиқлол шарофатидир.

Келажакда мақсадларим жуда улкан. Соҳанинг етук мутахассиси бўлиб, халқимиз дуосини олсам, ота-онамга раҳмат олиб келсам – шу мен учун энг олий бахтдир.

**Жаҳонгир МИРЗАТИЛЛАЕВ,**
**вилоят ИИБ ҳузуридаги ТБ терговчиси,**
**катта лейтенант.**

*Фарғона вилояти.*

Мустақиллик 2016 йили солномаси

▶ Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли ва Қамчиқ туннелининг очилиши халқимиз ҳаётида унутилмас тарихий воқеа бўлди. Бу йўл Ўзбекистон аслида қандай буюк давлат экани, халқи қандай қудратга, салоҳиятга эга эканини яна бир бор жаҳон ҳамжамиятига намоён этди. Осиё ва Европани боғловчи кўприк, икки минтақа ўртасидаги савдо ва иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи ушбу ноёб объектни аср қурилишларидан бири, десак, асло муболаға бўлмайди.



## ФАХРИЙЛАР – ФАХРИМИЗ

# СИНОВЛАРДА ТОБЛАНГАН УСТОЗ

**Фарғона шаҳридаги «Янгийўл» маҳалла фуқаролар йиғинидаги файзли хонадонларнинг бирида ички ишлар органлари фахрийси, истеъфодаги подполковник Маҳмуджон Жалолов истиқомат қилади.**

Шу кунларда фахрий ўзининг 70 йиллик табаррук ёшини қарши олмоқда. Фарғона вилояти ИИБ фахрийлар кенгаши аъзолари ҳамроҳлигида унинг хонадонига бориб, таваллуд айёми билан самимий қутладик ва у билан суҳбатлашдик.

Қаҳрамонимиз 1950 йилнинг 1 июлида туғилган. 1971 йилда ҳарбий хизматдан қайтиб келгач, Фарғона шаҳар ички ишлар бўлими йўл-патруль хизмати инспектори лавозимида иш бошлаган. Кейинчалик йўл-патруль хизмати катта инспектори, Фарғона шаҳар ички ишлар бўлими 1-алоҳида милиция бўлинмаси ЙҲХ взводи сардори, бўлинма катта инспектори лавозимларида хизмат қилди.

Истеъфодаги подполковник Маҳмуджон Жалоловнинг бутун фаолияти йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати билан чамбарчас боғлиқ, десак муболаға бўлмайди. У янги ишга кирган пайтларда соҳада бой амалий тажриба тўплаган полковниклар Шавкат Қосимов, Турдали Убайдуллаев, подполковник Нормат Якубхўжаев каби устозларининг маслаҳатига доим амал қилди.

Устозларга ҳурматда бўлиш билан бирга, ўзидан кичик ходимларга доим ёрдам берди, маслаҳат ва йўл-йўриқ кўрсатди. Шу боис, айни пайтда Фарғона вилояти ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси тизимида ишлаётган кўплаб ходимлар ҳам Маҳмуджон Жалоловни ўзларига чин маънода устоз деб билади.

– Ҳаёт кутилмаган синовларга бой бўларкан, – дейди фахрий ўтмишини хотирлаб. – 1984 йилда бошимга туҳмат балолари ёғилиб, бир муддат хизмат



вазифасидан четда турдим. Кейин адолат қарор топди, менга туҳмат тошини отганларнинг ўзи қилмишига яраша жазо олди. Мен эса хизмат вазифамни яна давом эттирдим.

Маҳмуджон Жалолов 1990 йилдан 2001 йилгача Фарғона тумани, Марғилон шаҳар ички ишлар бўлимлари ЙҲХ бўлинмаси бошлиғи, вилоят ЙҲХБ навбатчилик қисми катта инспектори, вилоят ИИБ Жамоат тартибини сақлаш бўлими бошлиғи ўринбосари лавозимларида хизмат қилиб, подполковник махсус унвони билан нафақага чиқди.

Айни пайтда фахрий фарзанд ва набиралари даврасида кексалик гаштини сурмоқда. 4 нафар фарзанди, 12 нафар невараси, 2 нафар чевараси бор.

Ўғли, катта лейтенант Фарҳод Жалолов ота изидан бориб, айни пайтда Фарғона тумани ички ишлар бўлимида хизматда. Набираси Муҳаммадбобур Турғунов эса ИИВ Академияси тингловчиси.

Давлатимиз ва ҳукуматимизнинг юксак ғамхўрлиги ва яратиб бераётган шарт-шароитлари туфайли 2002 йили Маҳмуджон Жалолов муборак ҳаж сафарига бориб, эзгу амалларни бажариб қайтди.

Қаҳрамонимиз ҳозир ҳам ёшлардек тетик ва бардам. Вилоят ИИБ томонидан ташкил этилаётган тадбирларнинг фаол иштирокчиси. Ёш ходимлар билан ташкил этиладиган учрашувларга бориб, ўз тажрибалари ҳақида сўзлаб беради. Уларни ҳалоллик ва касбга садоқат билан хизмат қилишга ундайди.

**Араббой УСМОНОВ,**
**истеъфодаги подполковник.**
**Абдувосит СИДИҚОВ,**
**«Postda» мухбири.**

*Фарғона вилояти.*

## МУСТАҚИЛЛИК ТЕНГДОШЛАРИ




# ИШОНЧГА МУНОСИБ КАПИТАН

**Капитан Нурбек Авазов билимли, ўз ишига сидқидилдан ёндашади, босиқ ва масъулиятли. Ёш бўлишига қарамасдан, яхшигина тажрибага эгалиги яққол сезилади. Жиноятчиликка қарши курашни ҳаётининг мазмуни деб билади.**

**Нурбек илк суҳбатимиздаёқ ўзи ҳақида ана шундай таассурот уйғота олди. Фикримизча, ёши ўттизни ҳам қораламаган бу йигитга яқинда Жиззах вилояти Дўстлик тумани ИИБ ташкилий бўлинмаси раҳбарлиги ишониб топширилгани ҳам у ҳақдаги мулоҳазаларимиз ўринли эканлигига ишора қилади.**

Жиззах вилоятининг Дўстлик туманидаги «Олтин водий» қишлоқ фуқаролар йиғинида туғилиб ўсган Нурбек Авазов 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясини тамомлаган. Ўтган йиллар давомида жиноят қидирув соҳасида хизмат қилди, соҳа сирларини пухта ўзлаштиришга интилди. Билимларини оширишдан тўхтамади, спорт билан шуғулланди. Ўз устида ишлаб чарчамайдиган мақоламиз қаҳрамони ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш билан бирга, рус тилини ўрганаётир. Бўш вақт топди дегунча, бадиий асарлар ўқийди. ИИБ ташкилий бўлинмаси бошлиғи сифатида Дўстлик туманининг 3-секторга қарашли Ғафур Ғулом, Саритепа, Бунёдкор маҳаллаларида яшовчи аҳолининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга астойдил киришган.



– Капитан Нурбек Авазов умидли раҳбар ходимлардан бири, – дейди Дўстлик тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник Анвар Пиримқулов. – У хизмат фаолияти давомида ўнлаб жиноятларни очишга муваффақ бўлган тезкор ходим. Энди ИИБ ташкилий бўлинма бошлиғи лавозимида эҳтиёжмандларга моддий ва тиббий кўмак кўрсатилишини ташкил этиш, фуқароларни ишга жойлаштириш ҳамда субсидия ва кредитлар ажратилишида яқиндан ёрдам бермоқда. Қолаверса, секторларда қилинаётган ишлар ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишда катта аҳамиятга эга. Шу маънода, мазкур йўналишдаги тадбирларни амалга ошириш масъулиятли ва тажрибали сафдошимизга ишониб топширилгани айни муддао бўлди.

Капитан Нурбек Авазов ҳаётда эришаётган муваффақиятларининг асоси она Ватанимиз мустақиллиги, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик эканлигини яхши англайди. Шу маънода, ўз тақдирини юрт тақдири билан уйғун кўради.

– Ўтмишда жуда кўп давлатлар, миллатлар йўқолиб кетган, – дейди капитан Нурбек Авазов. – Аммо ўзбек миллати ва давлати асрлар синовидан ўтиб, ўзининг мустақиллигини асрай олди, тараққиёт йўлида дадил қадамлар қўймоқда. Яна шуниси аниқки, Ватан истиқлоли ва ривожини тинчлик ва осойишталиксиз таъминлаб бўлмайди. Шу боис жамоат хавфсизлигини таъминлаш ишига ҳисса қўшаётганлигимдан фахрланаман.

Мамлакатимиз мустақиллиги билан тенгдош Нурбек Авазовнинг сўзлари ва амалларидан ҳақиқий ватанпарварлик ҳисси уфуриб туради. Озод юртда туғилган, қалби эрк ҳавоси билан тўйинган инсонлар шундай яшамоғи ва фикрламоғи лозим, аслида.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**

*Жиззах вилояти.*



# «ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДИМАН»



Ўзбекистон Республикаси ИИВ Самарқанд академик лицейининг 3-босқичида таҳсил олувчи Обида Умирзоқова Мустақиллик байрами куни 17 ёшни қаршилайди. Иштихон туманидаги Боғбон маҳалласида туғилган Обида 2018 йилда 18-сонли умумтаълим мактабини аъло баҳоларга битирди. Инглиз тилини яхши билиши ва мактаб олимпиадаларидаги ютуқлари унга ҳеч бир қийинчиликсиз академик лицейга ўқишга кириш имконини берди. Қаҳрамонимиз келажакда дипломат бўлишни ният қилган.

– Мамлакатимизда «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва, албатта, бахтли бўлишлари шарт» мазмунидаги ғоя мустақилликнинг илк йиллариданоқ устувор йўналишга айланиб, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди, – дейди О. Умирзоқова. – Бугун ҳар ким давлат ғамхўрлигини ўзида ҳис этмоқда. Масалан, мен эришган барча муваффақиятларим, жонажон ўлкам тарихини, тил билишим – буларнинг ҳаммаси биз учун яратилган имкониятлар ва шароитлар шарофати. Ёшлар иттифоқи ташкилотида бепул тил ўрганиш курслари, тадбиркорлик асослари ўтиладиган дарслар ва коворкинг бўйича марказлар ташкил этилган. Ҳамма жойда замонавий таълим, тиббиёт ва соғломлаштириш муассасалари, спорт иншоотлари барпо этилмоқда.

Энг муҳими, бугун хурсандчилик учун асослар етарли – юртимизда тинчлик-осойишталик ҳукм сурмоқда, шаҳар ва қишлоқларимиз кундан-кунга обод бўлмоқда, инсонларнинг кайфияти кўтаринки, ҳамма эртанги кунга ишонч билан қарамоқда. Жонажон Ватанимиз шаҳдам қадамлар билан тараққиёт йўлидан илдамламоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

ЮКСАК МУКОФОТ СОҲИБЛАРИ



# «УСТОЗИМДАН МИННАТДОРМАН»

**«Шуҳрат» медали соҳиби, капитан Нилуфар Абраева**

**Нилуфарга шифокор бўлиш орзуси болаликдан йўлдош. Ҳали болалик чоғларидаёқ, оиласида бирор киши иситмалаб қолса, атрофида парвона бўларди. Ота-онасининг «Беморнинг атрофида кўп айланма, қизим, касал бўлиб қоласан», деган гапларига жавоб тополмай, кўздан панага ўтарди-ю, улар узоқлашгач, яна ўз билганидан қолмасди.**



1987 йилда Қарши шаҳрида туғилган Нилуфар 2001 йили ўрта мактабни тугатиб, Бухоро давлат тиббиёт институтининг даволаш иши факультетига ҳужжат топширди. Синовлардан муваффақиятли ўтиб, олийгоҳ талабаси бўлди.

– Институтни тугатгач, дастлабки фаолиятимни вилоят Ногиронларни реабилитация қилиш марказида бошладим, – дейди Нилуфар Абраева. – Бу ерда устозларим – Мейли Жалилов ва Соҳиб Рустамовдан касб сирларини ўргандим. Кейинчалик эришган барча ютуқларимда уларнинг ҳиссаси катта.

Нилуфар Абраева устозларидан ўрганганлари ва олийгоҳда олган билимини амалиётда қўллаб, беморларга шифо улашди. Айниқса, вилоят Тиббий меҳнат-экспертиза комиссияси ва Қарши шаҳридаги «Геолог» шифо масканида ишлаган даврида беморларга мустақил ташхис қўйиш ва даволаш борасида тажриба ва малакасини бойитди.

Ички ишлар органларидаги фаолиятини 2011 йилда вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими поликлиникаси невролог шифокори лавозимида бошлаган тажрибали шифокор соҳа ходимларида учрайдиган касалликларнинг олдини олиш, аниқ ташхис қўйиш борасида ҳамкасблари эътиборига тушди.

Зиммасига юкланган вазифаларни беками-кўст бажариши, касалликни даволагандан кўра олдини олиш борасидаги ташаббуслари туфайли 2012 йил октябрь ойида раҳбарият шифокор Нилуфар Абраевани бошқарма Тиббиёт бўлими поликлиникаси бошлиғи лавозимига тайинлади. Шаҳодатланган таркибга ўтган Н.Абраева шахсий таркибнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, назоратда турган беморларни кўрикдан ўтказиб, аниқ ташхис қўйиш борасида ташаббус кўрсатди. Жойларда ўтказиладиган тарғибот ишларини жонлантирди. Натижада тизимда ишлайдиган ходимлар ва пенсионерлар орасида касалликларнинг камайишига муносиб ҳисса қўшди.

Капитан Нилуфар Абраева жорий йилдан эътиборан вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими Санитария-эпидемиология назорати маркази катта эпидемиолог шифокори лавозимида фаолиятини давом эттириб келмоқда.

Миллат ва сарҳад нелигини билмайдиган коронавирус пандемиясига қарши мамлакатимизда кескин кураш олиб борилмоқда. Бу борада бошқа соҳалар қатори, бошқарма Тиббиёт бўлими шифокорлари ҳам кечаю кундуз хизмат қилаётган ички ишлар органлари ходимларининг саломатлигини асраш йўлида тегишли тадбирларни амалга ошираётир. Жумладан, капитан Нилуфар Абраева вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳузурида ташкил этилган штабда фаолият юритиб, фуқаролар саломатлигини асраш, уларга хизмат кўрсатаётган ички ишлар органлари ходимларининг соғлиғини муҳофаза қилиш борасида самарали фаолият олиб бормоқда.

Кези келганда айтиш жоизки, капитан Н.Абраева вилоят ИИБ, шаҳар-туман ички ишлар бўлимлари бино ва иншоотларини махсус кимёвий воситалар билан дезинфекциялаш ишларини ташкил қилиб, инфекция тарқалишининг олдини олишга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Бундан ташқари, коронавирус инфекциясига чалинган фуқаролар билан мулоқот қилиб, бемор яшаган ҳудудни карантинга олиш бўйича раҳбариятга тавсиялар киритиб келмоқда. Беморлар ётган шифохоналар, карантинга олинган ҳудудлар, блок пост ва мунтазам йўл-патруль хизмати масканларида хизмат қилаётган ички ишлар органлари ходимларига тиббий маслаҳатлар бериб, эслатмалар тарқатиб, ходимларнинг саломатлиги йўлида хизмат қилмоқда.

Халқимизда «Меҳнат қилган элда азиз» деган нақл бор. Капитан Нилуфар Абраеванинг хизматлари ҳам ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. Президентимиз фармонига кўра, у «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

**Содиқ РАҲИМОВ,**
**«Postda» мухбири.**

*Қашқадарё вилояти.*

ИФТИХОР

# МЕН УЧУН ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМ

**Туғилган куним қачонлигини эшитишганда кўпчилик ҳавас қилади. Негаки, 1 сентябрда таваллуд топганман. Ўша куни мен учун қўшалоқ байрам бўлади. Юртдошларим Мустақиллик кунини байрам қилаётганда, мен бирданига икки айёмни кутиб оламан.**



**Бу истиқлол байрамида 18 ёшга тўламан. Мустақил ҳаётга қадам қўйдиган, мустақил қарор қабул қиладиган ёшда бўламан. Болалигимдан келажакда осойишталик посбони бўлишга, эгнимга ички ишлар органлари ходими либосини кийишга орзуманд эдим.**

Шу ниятим мени ИИВ Бухоро академик лицейи томон бошлади. 2019 йил Бухоро шаҳридаги 22-сонли умумтаълим мактабини битириб, лицейга ҳужжат топширдим. Синовлардан муваффақиятли ўтиб, шу ерда таълим олиш бахтига муяссар бўлдим.

Айни пайтда, лицейда инглиз тили, тарих, она тили ва адабиёт, ҳуқуқ фанларидан ўтказилган олимпиада ва танловларда фаол иштирок этяпман. Спорт билан мунтазам шуғулланяпман. Бу ерда яхши ўқиб, келгусида ўзим истагандек, ИИВ Академиясида таҳсил олиб, ички ишлар органлари ходими бўлишни истайман.

**Авазбек САИДОВ,**
**ИИВ Бухоро академик лицейи ўқувчиси.**

МУСТАҚИЛЛИК ТЕНГДОШЛАРИ

**Ҳар сафар сентябрь ойи келаркан, яна бир ёшга улғайганиму она Ватанимизнинг тобора куч-қудратга тўлиб бораётганини ҳис этиб ич-ичимдан қувонаман.**

# ФАХР ВА ҒУРУР ТИМСОЛИ

1991 йил 14 сентябрда Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳрида зиёли оилада туғилдим. Сўфи Оллоёр номли 17-сонли ихтисослашган мактабда ҳамда Қоракўлдаги 1-сонли ихтисослаштирилган иқтидорли болалар мактаб-интернатида ўз касбининг фидойилари бўлган устозларимдан сабоқ олдим. 2009 йилда ИИВ Академиясига ҳужжатларимни топшириб, синовлардан муваффақиятли ўтдим. Ўқишни якунлаб, Каттақўрғон шаҳар ИИБ тергов бўлимида иш ўрганувчи терговчи лавозимида хизмат фаолиятимни бошладим. Ҳозирда ИИВ ҳузуридаги Тергов департаменти иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш бўлими катта терговчиси лавозимида хизмат қилмоқдаман.

Инсон камолотида, унинг бирор касб-ҳунарни пухта эгаллашида устозларнинг беқиёс ҳиссаси бор. Шу ўринда касб сирларини ўргатган устозларим – Самарқанд шаҳар бўйича ИИОФМБ ҳузуридаги Тергов бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келаётган подполковник Набижон Игамбердиев, вилоят ИИБ



ҳузуридаги Тергов бошқармаси кадрлар гуруҳи катта инспектори, майор Ғолибжон Аблакулов сингари фидойи инсонларнинг номини ҳурмат ила тилга олишни истардим.

Китобга ошно тутиниш билим савиямизни ошириш ва дунёқарашимизни кенгайтиришда муҳим ўрин тутади. Энг асосийси, инсон доимо илмга эҳтиёж сезади, йиллар давомида ҳаётий тажрибаларини бойитиб боради. Билим, ақл ва ҳаётий тажриба тўғри қарорлар қабул қилишда асосий роль ўйнайди. Бу эса фаолиятимизда жуда муҳим. Мамлакатимизда қонунийликни мустаҳкамлашга хизмат қилишдек шарафли ва масъулиятли вазифа зиммамизга юкланган экан, ўқиш ва изланишдан тўхташга асло ҳаққимиз йўқ.

Яқинда она Ўзбекистонимизнинг Мустақиллик кунини нишонлаймиз. Бу улуғ байрам мен каби минглаб истиқлол тенгдошларига умид, ишонч ҳамда қатъият бағишлаши билан янада аҳамиятлидир. Бу байрам ўзининг жозибаси, қалбларимизга озодлик, эрк сингари муқаддас туйғуларни жо этгани, фарзандларимизга Ватанимизнинг дунё мамлакатлари билан теппа-тенг эканлиги ва ҳеч кимдан кам эмаслигини айта олиш ҳуқуқини бергани учун ҳам қадрлидир.

**Умиджон АСРАЕВ,**
**капитан.**

ДЕТИ НЕЗАВИСИМОСТИ

# «ГОРЖУСЬ ТЕМ, ЧТО ПРИНОШУ ПОЛЬЗУ РОДИНЕ»

**Я родился в год обретения нашей страной независимости, рос в свободной стране. Пользуясь предоставленными независимостью возможностями, получил образование, овладел профессией, занимался спортом.**

Закончив общеобразовательную школу № 21 родного Ташлакского района, поступил в Ферганский профессиональный колледж нефтегазовой промышленности. Обучаясь в школе и колледже, на вопрос: «Кем ты хочешь стать?» отвечал: «Я стану сотрудником органов внутренних дел», потому что всегда восхищался представителями этой сферы.

Тщательно подготовившись к вступительным испытаниям, в 2013 году я поступил в Академию МВД Республики Узбекистан. После окончания обучения начал работать в должности дознавателя группы дознания следственного подразделения при Ташлакском районном ОВД. С июля текущего года несу службу в должности старшего дознавателя.



Сегодня Узбекистан уверенно продвигается к новому этапу своего развития. Модернизация страны, обеспечение защиты прав и интересов человека, верховенство закона формируют новый, демократический облик страны. В этом смысле важным руководством к действию для нас является обозначенная в Стратегии действий приоритетная идея «От национального возрождения – к национальному развитию». Горжусь тем, что являюсь активным участником этого процесса.

В нынешнем году мне исполнится 29 лет. Горжусь тем, что являюсь ровесником независимости, вношу вклад в развитие Родины.

**Исломиддин МИРЗАМАТОВ,**
**старший дознаватель группы дознания СО при ОВД Ташлакского района Ферганской области. старший лейтенант.**

# «СТАНУ СТРАЖЕМ ПРАВОПОРЯДКА»

**Для меня мой день рождения – двойной праздник, поскольку я родился в День независимости страны – 1 сентября. Родители решили, что у их сына, рожденного в такой знаменательный день, должно быть звучное имя, а потому назвали меня Жавохиром.**



Чтобы быть достойным своего имени, оправдать надежды родителей, я старался хорошо учиться в школе. Моими любимыми предметами были история, право и литература. С 7-го класса начал заниматься боксом. В 2017–2018 годах стал призером районных и межрайонных соревнований по этому виду спорта.

На одном из мероприятий, проводившихся в школе, принимал участие сотрудник ОВД. Это был инспектор профилактики. Он рассказывал нам о деятельности органов внутренних дел, своей службе. После этой встречи у меня возникло желание связать жизнь с профессией стража правопорядка. С этой целью в 2019 году поступил в Каракалпакский академический лицей МВД Республики Узбекистан. В лицее наряду с преподаванием специальных предметов особое внимание уделяется дисциплине. Здесь я осознал, что форменная одежда накладывает на человека большую ответственность, требует соответствующего поведения.

Я признателен преподавателям – Машрабу Юлдашеву, Кайрату Матниязову и др. за то, что, не жалея времени и сил, они делятся с нами своими знаниями и жизненным опытом.

После окончания лицея буду поступать в Академию МВД Республики Узбекистан. Моя цель – стать достойным сотрудником ОВД, стоящим на страже мира и спокойствия народа, вносить вклад в дело обеспечения верховенства закона в нашем обществе.

**Жавохир КОЗИЕВ,**
**учащийся 2-го курса Каракалпакского академического лицея МВД Республики Узбекистан.**

В АКАДЕМИЧЕСКИХ ЛИЦЕЯХ МВД

# ЧТЕНИЕ – ВОТ ЛУЧШЕЕ УЧЕНИЕ

Как приобщить ребенка к чтению? Готовые решения найти трудно. Ведь каждый ребенок индивидуален. Самое главное – чтение должно ассоциироваться с радостью, а не скукой и принуждением.

Научно доказан факт, что даже пятнадцать минут чтения значительно улучшают наши грамматические и стилистические навыки. А о словарном запасе и говорить не стоит! Если сравнить чтение с другими современными развлечениями, как, например, с просмотром кинофильмов, компьютерными играми, то преимущество чтения книг состоит в неоспоримой пользе для развития мыслительных способностей.

Литература играет важную роль в личностном становлении человека. Ведь именно добрая, содержательная книга способствует его духовному развитию, становится верным другом и мудрым путеводителем по жизни.




На уроках литературы мы стараемся учить не только читать и пересказывать, но и анализировать произведения, уметь найти главную мысль, делать выводы, давать характеристику героям, оценивать его поступки. Зачитывая кульминационные отрывки из произведения, нередко говорим: «А дальше сами узнайте, что произошло с героями произведения!» И уже на перемене видим, как учащиеся спешат в библиотеку.

Для формирования интереса к чтению в нашем образовательном учреждении проводятся различные мероприятия, в том числе и во внеурочное время. До их проведения ученикам предлагается прочитать определенную книгу, ответить на вопросы, решить кроссворд, нарисовать иллюстрацию, собрать библиографические данные о писателе. Одной из форм работы является ведение читательского дневника. Ежемесячно среди учащихся определяется лучший читатель, что еще больше стимулирует их.

В библиотеке лицея имеются книги на узбекском, русском и английском



языках. Здесь большой выбор периодических изданий. В просторном зале учащиеся читают книги, под руководством наставников проводятся тематические конкурсы «Мой любимый герой», «Любимая книга», «История одного произведения» и т.д., литературные вечера.

Чтение – не просто занятие, которым можно заполнить свободное время. Под влиянием содержательных книг мы меняемся, чтение делает нас умнее, добрее, опытнее. Книга – друг, который поможет найти ответы на самые сложные вопросы, осознать истинный смысл жизни.

**С. ХОЛМАТОВА,**
**преподаватель Ферганского академического лицея МВД Республики Узбекистан.**

БУГУНГИ КУН МАВЗУСИ

# ТЕСТ ЎТКАЗИЛАДИГАН ЖОЙЛАР ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

**Хабарингиз бор, бу йил олий таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича тест синовлари 2020 йилнинг 2 сентябрида бошланади. Синовлар ҳудудлардаги 40 та объектнинг 65 та жойида икки босқичда ташкил этилиб, унда 1 миллион 361 минг 473 нафар абитуриент иштирок этиши кутилмоқда.**



Бу жараёнда объектларда жамоат тартибини сақлаш, хавфсизликни таъминлаш долзарб вазифа ҳисобланади. Шу боис тест синовларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Ички ишлар вазирлигининг алоҳида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, унда ички ишлар органлари олдида турган барча ташкилий, профилактик, тезкор-қидирув ва бошқа чора-тадбирлар қамраб олинди.

Тест синовлари икки босқичда – соат 08:00 ва 17:00 дан бошланиб, 3 соат давом этиши белгилаб қўйилди. Назорат-ўтказиш жойларида ҳар куни, ҳар бир босқичда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлашга ички ишлар органлари ходимлари билан бирга, Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари, Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ва Давлат тест маркази вакиллари жалб этилади. Шу билан бирга, назорат-ўтказиш пунктлари металлодетекторлар, алоқа ва транспорт воситалари билан таъминланади. Юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида зарур техник воситалар билан таъминланган ходимлар белгиланган манзилларда жанговар шай ҳолда туради.

30 август кунидан эътиборан тест синовларини ўтказиш даврида ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш, юзага келиши мумкин бўлган муаммоли вазиятларни тезкорлик билан бартараф этиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ ва Тошкент вилояти ИИББ ҳамда вилоятлар ИИБларида тажрибали ходимлардан иборат ишчи гуруҳлар тузилиб, иш фаолияти йўлга қўйилади.

Ҳудудларга кириш жойларида дезинфекция йўлаклари ташкил этилиб, иштирокчиларнинг тана ҳароратини ўлчаш мосламалари, антисептик воситалар билан тўлиқ таъминланиши алоҳида назоратга олинади.

Шунингдек, ҳудудий ички ишлар органларининг тиббиёт бўлимлари томонидан санитария-гигиена талабларига тўлиқ риоя қилинган ҳолда, ички ишлар органлари ходимларини тиббий ниқоб, қўлқоп ва антисептик воситалар билан тўлиқ таъминлаш чоралари кўрилади.

Бундан ташқари, тест тадбирлари икки босқичда ўтказилиши ҳамда об-ҳаво кескин ўзгариши эҳтимолидан келиб чиққан ҳолда, ички ишлар органлари ходимлари хизмат ўташлари учун тўлиқ шарт-шароит яратилади.

Таъкидлаш лозимки, коронавирус пандемияси туфайли бу йил имтиҳонларда абитуриентларнинг ота-оналари ва уларнинг яқинлари учун кутиш жойлари ташкил этилмайди. Шу боис оммавий ахборот воситаларида ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Айни пайтда тест синовлари ўтказилишига мўлжалланган барча объектларнинг техник, ёнғин ва хавфсизлик талабларига жавоб бериш ҳолати синчковлик билан ўрганиб чиқилмоқда. Тадбирлар вақтида фавқулодда ҳолатлар рўй беришининг олдини олиш мақсадида тест синовлари ўтказиладиган объектларга олиб борувчи йўллар темир-бетон ва юк автомашиналари ёрдамида тўсилиб, автотранспорт воситалари ҳаракатини тақиқлаш ёки вақтинчалик чеклаш чоралари кўрилади.

Ҳаракатлар чекланадиган саналар ва вақтлар ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиб борилади.

**Жонибек САМАНДАРОВ,**
**ИИВ ППХ ва ЖТСББ бўлим бошлиғи, подполковник.**

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

# НАВБАТ – МОБИЛЬ ПЛАНШЕТГА

Тасаввур қилинг, йўл бўйидаги дўконга бирров кириб-чиқиш учун машинангизни тўхташ мумкин бўлмаган жойда қолдирдингиз. Сиз ишингизни битиргунингизга қадар ЙПХ ходими шахсингизни аниқлаб, маъмурий баённома расмийлаштириши ва жаримага тортиши мумкин. «Бунинг имкони йўқ, ахир, машинанинг эгасисиз бу ишни амалга ошира олишмайди», демоқчи бўлсангиз, янглишасиз. Бунинг учун ЙПХ ходими қўлида мобиль планшет бўлса кифоя.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори асосида Сурхондарё вилояти ички ишлар органларида замонавий воситаларни амалга татбиқ этиш жараёни давом этмоқда. Хусусан, йўл-патруль хизмати ходимлари боди-камералардан сўнг, эндиликда мобиль планшет кўринишидаги яна бир замонавий мосламага эга бўлишди. Шу кунгача вилоят ИИБ ЙҲХБ йўл-патруль хизмати ходимлари фойдаланаётган 5 дона планшет орқали сўнгги уч ой ичида 2170 та қоидабузарлик аниқланди.

– Хорижда ҳам кенг фойдаланиладиган мобиль планшетлар қатор афзалликларга эга, – дейди вилоят ИИБ ЙҲХБ катта инспектори, лейтенант Элнур Абраев. – У махсус ҳимоя воситасига эга бўлгани боис ҳар қандай об-ҳаво шароитида нуқсонсиз ишлайди. Ерга тушириб юборилган тақдирда ҳам, унга шикаст етмайди. Муҳими, мазкур замонавий мослама ҳайдовчи ва ЙПХ ходимининг вақтини тежаб, улар ўртасидаги турли низоли ҳолатларнинг олдини олади. Ҳозирда вилоятимизга мобиль планшет қурилмасидан яна 156 дона келтирилган бўлиб, тез орада улар шахсий таркибга тарқатилади.

**Феруза РАҲМОНҚУЛОВА,**
**«Postda» мухбири.**
*Сурхондарё вилояти.*







ИСЛОҲОТЛАР АМАЛДА



# ҚЎШИНЛАР

## ЯНГИ БРОНЕТРАНСПОРТЁРЛАР БИЛАН БОЙИТИЛДИ

**Кейинги уч-тўрт йил ичида мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимини ҳар жиҳатдан такомиллаштириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада ИИВ Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинларида ҳам изчил ислоҳотлар амалга ошириляпти. Шахсий таркиб маънан етук ва жисмонан соғлом кадрлар билан жамланиш баробарида, қўшинлар сўнгги русумдаги ҳарбий техникалар, қурол-аслаҳалар билан бойитилмоқда.**



Яқинда ИИВ Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинлари ҳарбий салоҳияти Россия Федерациясида ишлаб чиқарилган сўнгги русумдаги 17 та БТР-80 ҳарбий техникалари ҳисобига янада кучайди. Уч нафар экипаж ва 7 нафар десант пиёда олиб юришга мўлжалланган мазкур бронетранспортёрлар ҳозирги замон талабига тўла жавоб беради. Ушбу ҳарбий техника ҳар қандай жанговар вазиятда монеликсиз ҳаракатланиш қобилиятига эга. Унга ўрнатилган 14,5 миллиметрли катта калибрли пулемёт ва у билан жуфтлаштирилган 7,62 миллиметрли ПКТ пулемёти ҳар қандай нишонни ҳеч бир қийинчиликсиз йўқ қилиш имконини беради.

– Базамизда эски намунадаги БТР-80 ҳарбий техникаларининг 23 таси бор эди. Эндиликда улар сафи янги типдаги 17 таси билан бойитилди, – дейди 7251-сонли ҳарбий қисм командири, подполковник **Умид Аҳмедов**. – Янги техникалар олдингиларидан бирмунча афзалликлар билан ишлаб чиқарилган. Экипажга қулайлик янада оширилган, ҳаракатланиш ҳам осон. Бу техникалар нафақат халқаро аэропртларда хавфсизликни ишончли таъминлашда, балки жамоат тартибини сақлаш, турли оммавий тадбирларни осойишталикда ўтказишда ҳам қўл келиши, шубҳасиз.

**Фозилжон МАМАШАРИПОВ,**
**«Postda» мухбири.**



Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.

УРОК ДУХОВНОСТИ И ПРОСВЕЩЕНИЯ

# НЕЗАВИСИМОСТЬ – САМЫЙ ВЕЛИКИЙ И ДОРОГОЙ ПРАЗДНИК НАШЕГО НАРОДА



**На протяжении тысячелетий земля, на которой раскинулась наша страна, переживала различные периоды.**

Были времена расцвета. Восточный ренессанс IX–XII веков подарил миру целую плеяду выдающихся ученых-мыслителей, среди которых яркими звездами светили великие Ибн Сино, Аль-Хорезми, Аль-Фароби, Аль-Фергани, Рудаки, Фирдауси. В XIV–XV веках процветало государство Амира Темура, оставившее архитектурные шедевры, которые по сей день восхищают многочисленных туристов со всех континентов Земли. Великий ученый и государственный деятель Улугбек, выдающийся полководец и талантливый поэт Захириддин Мухаммад Бабур и другие представители прославленной династии Темуридов на многие столетия стали путеводными звездами, направлявшими смелых и отважных сынов родной земли, стремившихся к свободе и процветанию своего народа.

Но история нашего края переживала и другие периоды. Расположенная в самом сердце Центральной Азии, через которую пролегали караванные дороги Великого шелкового пути, страна привлекала взоры тех, кто хотел подчинить ее народ, овладеть богатствами. Однако всегда находились герои, поднимавшие соотечественников на борьбу с захватчиками, а заветной мечтой людей была мечта о свободе. Поэтому самой важной страницей в истории Узбекистана стало провозглашение суверенитета, с которого началась новейшая история нашего государства.

Независимая Республика Узбекистан была принята мировым сообществом. 2 марта 1992 года государство вступило в Организацию Объединенных Наций и включилось в Хельсинский процесс, подписав заключительный акт Совещания по безопасности и сотрудничеству. Были приняты Конституция, многие законодательные акты. Все это способствовало установлению мира и спокойствия в стране.

Когда мы говорим о народе Узбекистана, то имеем в виду то, что наше государство многонационально и многоконфессионально. В стране в мире и согласии проживают более 130 наций и народностей. Провозглашение суверенитета никоим образом не ущемило их права – все они равны перед законом, могут исповедовать свою религию, говорить и обучаться на родном языке.

Суверенитет нашей страны невозможен без сохранения духовных, национальных, религиозных и исторических ценностей. Значимость данной темы особенно возросла с принятием конкретных мер в сфере духовного обновления общества и формирования интеллектуального потенциала нации. Неслучайно с первых дней независимости, наряду с политическими, социально-экономическими преобразованиями, особое внимание уделяется возрождению наследия узбекского народа, его национально-культурных ценностей. Духовное совершенствование общества, формирование идеи национальной независимости стало составной частью укрепления суверенитета нашей республики. Но этого невозможно достичь без сплоченности народа, а сплоченность возникает тогда, когда государственные органы работают на благо граждан страны.

В настоящее время уделяется большое внимание тому, чтобы работники государственных структур активно взаимодействовали с представителями общественных организаций, простыми людьми. Примером тому служит следование принципу «Реформы – не ради реформ, а для человека», который находит свое воплощение в жизни социума, особенно в области обеспечения прав граждан, охраны порядка и спокойствия в стране. Ведь там, где соблюдается закон, царит демократия и достигается развитие. Недаром в «Индексе законопорядка», составленном в 2015 году Институтом Гэллапа (США), Узбекистан занял второе место среди 141 государства.

Этот успех – результат проводимых преобразований правоохранительных структур, в том числе органов внутренних дел, которые день ото дня становятся ближе к народу. Стражи порядка – защитники граждан страны, их прав, чести и достоинства. Они борются с преступностью, предупреждают правонарушения, проводят профилактику возможных угроз.

Сегодня сотрудники органов внутренних дел тесно взаимодействуют с населением, так как чувствуют неразрывную связь со своим народом. Тем более что в последние годы большой упор делается на то, чтобы взаимодействие граждан и блюстителей порядка вышло на новый уровень – уровень взаимопонимания, открытости и абсолютного доверия.

Проведенное Центром изучения общественного мнения «Ижтимоий фикр» исследование показало, что в Узбекистане 97,2% населения осознает независимость страны как высшую ценность. Это говорит о том, что мы на верном пути, что народ доверяет Президенту и правительству в проведении широкомасштабных социально-экономических и политических реформ. Народ Узбекистана верит в великое будущее независимого Узбекистана.

**Динара ШАМУХАМЕДОВА,**
**корреспондент «На посту».**







АСПЕКТ ПРОФИЛАКТИКИ

# «Работа – часть моей жизни»

**ОВД № 6 УКД ОВД по г. Андижану обслуживает махалли Узбегим, Узбекистон 20 йиллиги, Ёилма, Соглом авлод, Коратут и Баркамол, где проживают в общей сложности более 48 тысяч человек. На территории расположены 196 многоэтажных домов, 285 торговых точек, 4 школы, 3 лицея, 6 кафе и ресторанов и 3 дехканских базара. Для обеспечения общественной безопасности, профилактики правонарушений и преступлений здесь установлено 370 камер видеонаблюдения.**



Герой нашего рассказа – старший инспектор профилактики капитан Равшанбек Умаров, выпускник Андижанского государственного университета. Служит в органах внутренних дел с 2010 года. Работал инспектором профилактики на разных участках.

Равшанбек Умаров вместе с территориальными инспекторами профилактики капитанами Баходиром Махаммаджановым и Шоятбеком Мамажановым, старшими лейтенантами Илёсом Тураевым и Шухратом Кенжаевым обслуживает один из сложных участков – махалли Узбегим и Баркамол. Здесь расположены два дехканских базара, центральный автовокзал, торговые центры «Холис» и «Мумтоз», которые в день пропускают десятки тысяч человек. Инспектора профилактики работают не покладая рук, стараются предотвращать правонарушения и преступления.

– Случается разное, – рассказывает капитан Р. Умаров. – Особое беспокойство вызывают оставленные без присмотра автомашины. Так, на днях был задержан житель областного центра, который, воспользовавшись тем, что на «Спарке», принадлежащем А. И., не была включена сигнализация, с помощью подручных средств вскрыл дверцу автомашины. Он был задержан с поличным при попытке украсть крупную сумму денег, легкомысленно оставленную в салоне. В отношении злоумышленника возбуждено уголовное дело по пункту «а» ч. 2 ст. 169 Уголовного кодекса Республики Узбекистан.

Или другой случай. Два торговца овощами, Назар Д. и Тоир Б., не поделили торговые места на дехканском рынке «Янги бозор». Ссора закончилась дракой. Назар Д. нанес Тоиру Б. тяжкие телесные повреждения. Пострадавший госпитализирован. В отношении Назара Д. возбуждено уголовное дело в соответствии с ч. 1 ст. 104 Уголовного кодекса Республики Узбекистан.

Капитан Р. Умаров – наставник молодежи. За годы службы он воспитал немало достойных учеников, некоторые из них являются старшими инспекторами профилактики.

– Большую помощь мне оказывает председатель МСГ «Узбегим» Абдусалом Юнусов, – говорит старший инспектор профилактики капитан Равшанбек Умаров. – Абдусалом ака – майор в отставке. Он имеет большой опыт оперативно-розыскной работы. Я часто обращаюсь к нему за помощью и всегда получаю дельные советы. Вместе с Абдусаломом ака мы совершаем не только поквартирные обходы, но и ходим по торговым рядам дехканских рынков и торговых центров. На базаре скандал может возникнуть, как говорится, на пустом месте – не поделили торговые места, переманили покупателей и т.д. Беседуем с продавцами, призываем их быть бдительными, не попадаться на уловки различного рода мошенников. Работа инспектора профилактики нелегкая. Даже когда нахожусь в кругу семьи, я думаю о том, что происходит на вверенном мне участке. А иначе нельзя, работа – часть моей жизни, которую я люблю.

**Борис КЛЕЙМАН,**
**корреспондент «На посту».**

***На снимке:** (справа) старший инспектор профилактики капитан Р. Умаров со своим учеником – старшим инспектором профилактики капитаном А. Курбановым.*

**Фото автора.**

*Андижанская область.*

ЕСТЬ ТАКАЯ СЛУЖБА

# НАСЕЛЕНИЕ ДОВОЛЬНО



**В последние годы служба миграции и оформления гражданства претерпевает коренные преобразования. В Ферганской области, как и по всей стране, сотрудники данного подразделения оперативно и качественно обслуживают население.**

Так работает и служба миграции и оформления гражданства Кувасайского ГОВД.

Ранее отдел располагался в административном здании ГОВД. 30 марта текущего года сотрудники подразделения переехали в реконструированное здание. Здесь созданы все необходимые условия: имеются комфортный зал ожидания, специальные места для приема граждан, в кабинетах установлено современное оборудование, стоит удобная мебель. Теперь граждане могут беспрепятственно посещать отдел, быстро и легко решать вопросы, связанные с паспортами и визами. Жители довольны.

Служебную деятельность стражи порядка ведут согласно: указам Президента Республики Узбекистане «О мерах по дальнейшему совершенствованию паспортной системы в Республике Узбекистан» от 23 июня 2009 года, «О коренных мерах по совершенствованию порядка выезда граждан Республики Узбекистан за границу» от 5 января 2011 года, «О дальнейших мерах по созданию системы оформления и выдачи биометрического паспорта гражданина Республики Узбекистан для выезда за границу и модернизации биометрической паспортной системы Республики Узбекистан» от 26 декабря 2018 года, постановлениям Кабинета Министров и требованиям действующих приказов МВД республики.

Недавно в жизни кувасайцев произошло радостное событие. Согласно статьям 6 и 45 Закона Республики Узбекистан «О гражданстве Республики Узбекистан» в новой редакции от 13 марта 2020 года, 43 лица без гражданства, переехавшие в Кувасай до 1995 года и на данный момент проживающие здесь, признаны гражданами Республики Узбекистан. Среди них – Нематжон Шаропов, Хусниддин Юлдашев, Умиджон Юлдашев, Наргизахон Турсунова и Маликахон Эргашева.

В торжественной обстановке паспорта были вручены теперь уже полноценным гражданам нашей страны. Мероприятие прошло с соблюдением всех правил карантинна. В нем приняли участие начальник Кувасайского ГОВД и хоким города.



Сотрудники подразделения за истекший период текущего года выдали биометрические паспорта 752 жителям, загранпаспорта – 830 гражданам.

– Наша работа прозрачна и открыта, – говорит начальник подразделения майор Жахонгир Убайдуллаев. – Ни один человек, обращающийся в отдел, не остается без внимания. Наша цель – удовлетворять потребности населения, о чем постоянно напоминает стражам порядка глава государства.

**Давлатжон МИРСАОДАТОВ,**
**старший лейтенант.**
**Абдувосит СИДИКОВ,**
**корреспондент «Postda».**

***На снимках:** будни подразделения миграции и оформления гражданства Кувасайского ГОВД.*

*Ферганская область.*

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ДАРСИ

# МУСТАҚИЛЛИК – ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМИМИЗ

**Йигирма тўққиз йил мобайнида мустақиллик энг улуғ, энг азиз байрам сифатида қалбимизда фахр ва ифтихор туйғуларини уйғотиб келди. Зеро, у ҳар дам шукур қилинадиган, бардавомлиги кўз қорачиғидай авайлаб-асраладиган, азиз ҳамда бебаҳо неъматдир.**



Мустақиллик миллатнинг чинакам улуғ байрамидир. Чунки истиқлолгача бўлган йўл осонликча босиб ўтилмади. Ота-боболаримиз мустақил юртда, ҳур ва эркин яшашни орзу қилиб, бу йўлда ўз жонларини қурбон қилишга ҳам тайёр бўлишган. Энг муҳими, улар ўтмишнинг оғир машаққатлари, турли-туман синовларидан матонат билан ўтиб, эзгу мақсад сари олға интилиб, буюк мақсадларни кўзлаб, истиқлолнинг юксак пойдеворини бунёд этишган.

Халқимиз ўтган 29 йил мобайнида ўз миллий давлатчилигини барпо этди. Бу жараён қарийб бир ярим аср мобайнида мустамлака исканжасида яшаб келган халқ учун ўта оғир ва зиддиятли кечди. Чунки халқ, аввало, сиёсий жиҳатдан ҳақ-ҳуқуқларидан тамоман маҳрум этилиб, барча масалаларда собиқ марказдан рухсат сўраш, унинг қошу қовоғига қараб иш кўришга мажбур эди. Яъни, иқтисодий жиҳатдан республикамиз бир ёқлама ривожланган, асосан хомашё етказиб беришга мослаштирилган, пахта яккаҳокимлиги ҳалокатли тус олган бир ўлкага айланиб қолган эди.

Даҳрийликка асосланган собиқ тузумда барча диний ҳамда миллий қадриятлардан айрилган халқимиз, мустақиллик туфайли имон-эътиқод сари юз тутди, десак, тўғрироқ бўлади. Чунки ўз эътиқоди, руҳий илдизларидан узилган ҳар қандай миллат ва элат инқирозга учраши инсониятнинг тарихий тараққиёт босқичларида ўз исботини топган. Давлатимиз ана шу нозик туйғуни чуқур ҳис этган ҳолда, истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб, халқ маънавияти ва маърифатини, миллий қадриятларни юксалтиришга эътибор қаратди.

Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда бозор иқтисодиётига асосланган демократик фуқаролик жамияти барпо этилди. Мустақиллик Ватанимиз тарихида мутлақо янги бир саҳифа очди. Истиқлол туфайли биз дунё ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиб, ёруғ келажагимизни ўз қўлимиз билан бунёд этиш имкониятига эга бўлдик. Мустақиллик йилларида эришган ютуқларимизга таяниб, миллий тикланишдан миллий юксалиш сари дадил қадам ташладик.

Мамлакатимиз тараққиётини янада юксак босқичга кўтариш мақсадида Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди. Бундай ноёб ҳужжатнинг қабул қилиниши эса олдимизда турган улуғвор вазифаларни рўёбга чиқаришга қатъий киришганимиздан далолат беради. Дунё миқёсида рақобат кескинлашиб бораётган ҳозирги мураккаб бир даврда мамлакатимизни илм-фан ютуқлари, юқори технологиялар асосида модернизация қилиш ҳамда янгилаш энг муҳим вазифаларимиздан бирига айланди.

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, Ўзбекистон Марказий Осиёдаги аҳоли сони жиҳатидан энг катта мамлакат. Минтақада жами 65 миллиондан ортиқроқ аҳоли яшаса, унинг ярмидан кўпроғи мамлакатимизда истиқомат қилади. Бундан ташқари, халқимиз жаҳон тамаддуни тараққиётига улкан ҳисса қўшган, бой маънавий меросга ҳам эга. Мамлакатимизнинг бугунги иқтисодий, илмий, маънавий-маърифий потенциали ҳам – жуда катта. Жаҳон майдонида эришган ютуқларимиз бизни янада юксак поғоналарга олиб чиқмоқда. Амалда халқимиз кимларнинг авлоди эканлигини, нималарга қодирлигини намоён этди. Дунёнинг энг тараққий этган мамлакатлари ҳурмат кўрсатишга, биз билан яқиндан ҳамкорлик қилишга киришди.

Бугун Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўймоқда. Бу борада Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» деган устувор ғоя муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугун биз қандай ислоҳотларни, қандай ўзгаришларни амалга оширишга киришмайлик, барчасининг замирида халқимиз манфаатига қаратилган улуғ мақсадлар ётади. Яъни, буларнинг ҳаммаси меҳнаткаш халқимизнинг ишончини оқлашга, оғирини енгил қилишга, унинг корига ярашга қаратилмоқда. Бироқ бундай улуғ мақсадларга ўз-ўзидан, қуруқ ва баландпарвоз гаплар билан эришиб бўлмайди. Бундай марраларга фақат тинимсиз ва фидокорона меҳнат қилиш орқалигина эришиш мумкин. Бошқачароқ қилиб айтсак, қуруқ гап, олди-қочди ваъдалар билан ҳеч нарсага эришиб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи амалда исботлаб турибди. Қолаверса, халқимиз тақдирига боғлиқ ишларни ташкил этиш, уларни бажаришда ҳайбаракаллачиликка йўл қўйиб бўлмаслигини барчамиз чуқур ҳис этдик.

Сўнгги уч-тўрт йил ичида ўз ҳаётимизни ўзимиз қуриш, фарзандларимизни илм-маърифатли қилиш масъулиятини ўз зиммамизга олишимиз ҳаётий заруратга айланганлигини чуқур англаб етдик. Айниқса, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий муносабатларнинг мазмун-моҳияти, жамиятимиз қиёфасининг бутунлай ўзгарганини, бундай ижобий ўзгаришлар эса халқимиз ҳаётида ўз ифодасини топаётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Юртдошларимизнинг турмуш даражасини, онгу тафаккурини ҳамда билим даражасини ошириш бўйича қилинаётган ишларнинг кўлами кенглиги аниқ далил ва мисоллар, чуқур илмий таҳлиллар ҳамда экспертлар томонидан берилаётган баҳолар асосида ўз исботини топмоқда.

Ҳар йили кўтаринки кайфият билан нишонланадиган бу йилги Мустақиллик байрами дунёни ларзага солган, умумбашарият томонидан мардонавор қарши курашилаётган пандемия шароитига тўғри келди. Мамлакатимизда ҳам бу тилсиз ёвга қарши кураш муваффақиятли олиб борилмоқда. COVID-19 пандемиясини бартараф этиш, халқимиз саломатлигини сақлаш борасидаги барча саъй-ҳаракатлар шахсан Президентимиз Ш. Мирзиёев назорати остида амалга оширилмоқда. Чуқур ўйланиб, тўғри ташкил этилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Натижада соғайиш даражаси дунёдаги энг тараққий этган давлатлар кўрсаткичидан ҳам юқори бўлиб қолмоқда.

Халқимиз осойишталигини бузган серташвиш ва нотинч кунлар ҳам ортда қолади. Насиб бўлса, бундан кейинги Мустақиллик байрамларини тинчлик ва осойишталик қарор топган файзли кунларда, кўтаринки кайфиятда, шоду хуррамлик билан нишонлаймиз.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳурриятпарвар аждодларимизнинг асрий орзуларини, халқимизнинг тенглар ичра тенг бўлиш ҳуқуқларини юзага чиқарган, миллий ўзлигимизни, қаддимизни ҳамда қадримизни тиклаган, мамлакатимиз тинчлигини, тараққиётини, халқимиз фаровонлигини таъминлаган мустақиллигимиз абадий бардавом бўлсин.

Шу қутлуғ заминда яшаётган ҳар бир инсон кечаги кун билан бугуннинг тафовутини чуқур ҳис этиб, юртимиз тинчлигига ҳурмат, эҳтиром ҳамда истиқлолга бўлган шукроналик билан яшамоғи керак. Зеро, дунёда турли ғоялар кураши авж олган бугунги мураккаб бир шароитда, юртимизни кўз қорачиғидек асраш, унинг тинчлигини сақлаш, равнақи йўлида астойдил меҳнат қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Бошқача айтганда, шу Ватан бизнинг ғуруримиз, фахримиз, ҳаётимиз мазмунидир.

**Ибодулла ҚЎНҒИРОВ,**
**тарих фанлари номзоди, доцент.**





**Зулфия МЎМИНОВА**

## АЛИШМАСМАН

*Жоним Ватан, жон томиринг*
*Тиллоларга алишмасман.*
*Широқ ўтган саҳроларинг*
*Дарёларга алишмасман.*

*Кўзим Ватан, қаро кўзинг*
*Қиёларга алишмасман.*
*Қаҳратонда қорларингни*
*Жавзоларга алишмасман.*

*Навоийнинг ҳасратларин*
*Ҳаволарга алишмасман.*
*Шоҳ Бобурнинг фурқатларин*
*Рўёларга алишмасман.*

*Қадрим Ватан, дил дафтаринг*
*Иншоларга алишмасман.*
*Занги отам дуоларин*
*Шифоларга алишмасман.*

*Жоним Ватан, жон томиринг*
*Тиллоларга алишмасман.*
*Широқ ўтган саҳроларинг*
*Дарёларга алишмасман.*

ҲИМОЯ ОРДЕРИ

# ЗЎРАВОНЛИК ЗАНЖИРИ УЗИЛСИН

**Оиладаги зўравонликни ҳеч қандай шароитда оқлаб бўлмайди, чунки у инсоннинг асосий ҳуқуқлари – ҳаёти, соғлиғи, шаъни, қадр-қимматии ва эркинлигига дахл қилади. Зўравонлик фақат жисмоний куч ишлатиш билан эмас, ҳақоратлаш, мажбурлаш, зўрлаш, иқтисодий чекловлар қўйиш, мунтазам руҳий қийноққа солиш каби кўринишларда ҳам намоён бўлиши ва оиланинг ҳар қандай аъзосига нисбатан қўлланиши мумкин.**



Афсуски, оиладаги зўравонликни аниқлаш қийин. Чунки аксар ўзбек аёллари бундай ҳолатга дуч келган тақдирда ҳам, айтишга истиҳола қилади, ҳатто яқинларидан яширишади. Гоҳида эса қўрқув гирдобида бўладиганлари ҳам бор.



Жамиятимизда бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2019 йил сентябрь ойида «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун эълон қилинди. Унга асосан, «Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини бериш, ижросини таъминлаш ва мониторинг олиб бориш тўғрисида»ги низом тасдиқланди. Мазкур низомга кўра, ҳимоя ордери мувофиқ серия ва рақамга эга бўлган, қатъий ҳисоби юритиладиган, фақатгина тазйиқ ва зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахсларга нисбатан белгиланган чекловларни қайд этиш бўйича ҳужжат ҳисобланади. Ҳимоя ордери ички ишлар органларининг таянч пункти профилактика (катта) инспектори томонидан берилади.





Тошкент вилояти Оққўрғон туманида мазкур қонуннинг ижроси борасида қандай ишлар қилинаётгани билан қизиқиб, туман ИИБ ХПБ ХҚМБ инспектори, капитан Дилдора Файзуллаева билан боғландик:

– Туманимизда йил бошидан буён 47 та ҳимоя ордери берилди, – дейди у. – Буларнинг ўттизтаси эр-хотин, қолганлари эса қайнэгачи-келин, қайната-келин, қайнука-келин, қўни-қўшни, қайнана-келин ўртасидаги келишмовчиликлар туфайли расмийлаштирилди.

Оғриқли масалалардан бири қайнана ва келин, қайнэгачи-келин, қайнсингил-келин ўртасидаги келишмовчиликлар туфайли ажрашиш остонасига бориб қолган оилалар ҳам борлигидир. Агар ажрашиш арафасида турган оилаларни ўргансангиз, уларнинг муаммолари бир-бирига жуда ўхшайди. Аммо ажримга қадар оилани сақлаб қолишнинг имконияти анча юқори. Айнан ҳимоя ордери бу борада бизга анча кўмак бўлди. Маълумки, ҳимоя ордери 1 ой муддатга берилади. Шу муддат ичида низони ҳал этиш имкони бўлмаса ёки ўша ҳолат яна давом этадиган бўлса, мурожаатга асосан, яна 1 ой муддатга узайтирилади. Бу давр оралиғида кўпгина оилалар бир-бирини кечириб, тушуниб, хатоларини англаб, яна бахтли ҳаёт сари дадил қадам ташлайди. Бу, албатта, бизнинг ютуғимиз. Оиланинг бузилиши оқибатида ёлғиз аёл ва тирик етимларнинг кўпайиши жамиятнинг маънавий, ижтимоий муҳити соғломлигига путур етказиши муқаррар. Шунинг учун бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олишда кенг жамоатчиликнинг ҳамжиҳатликдаги ҳаракати муҳим аҳамият касб этади.



**Адолат ФАЙЗИЕВА,**
**«Postda» мухбири.**

МУСТАҚИЛЛИК 2018 ЙИЛ СОЛНОМАСИ

► Туркиянинг етакчи иқтисодий нашрларидан бири «Derin Ekonomi» журнали шарҳловчилари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевни ўз мамлакати ва минтақасидаги вазиятлар ўзгаришига сезиларли таъсир кўрсатишга қодир бўлган жаҳоннинг биринчи ўн нафар етакчиси рўйхатига киритди.

► Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Осиё чемпиони бўлди.



«ТОЗАЛАШ–АНТИТЕРРОР»

# АСОСИЙ МАҚСАД – ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

**Шу кунларда республикамизнинг барча ҳудудида бўлгани каби, Жиззах вилоятида ҳам «Тозалаш–антитеррор» тезкор профилактик тадбири ўтказилмоқда. Жорий йилнинг 15 августидан 15 сентябрига қадар давом этадиган мазкур тадбирга ички ишлар органлари ходимларидан ташқари, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳамда жамоатчилик вакиллари ҳам жалб этилган.**



Тадбир доирасида бугунгача 32 мингдан ортиқ турли объектлар текширилди. Жумладан, ташкилот ва корхоналар, таълим муассасалари, меҳмонхоналар, савдо, овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, ҳовлилар, кўп қаватли уйларнинг чордоқ ва ертўлалари ҳамда ташландиқ иншоотлар кўздан кечирилди. Бу жараёнда 1343 та маъмурий ҳуқуқбузарлик аниқланди.

Тадбирлар давомида муқаддам судланган, профилактик ҳисобда турган, жиноятга мойил шахслар, оилавий жанжалкашлар, гиёҳванд моддалар ва спиртли ичимликларга ружу қўйганларга алоҳида эътибор қаратиляпти. Хусусан, гиёҳванд сифатида рўйхатга олинган шахслар билан профилактик суҳбатлар ўтказилиб, 3 нафари мажбурий даволаш муассасасига жойлаштирилди. Ана шундай муассасаларга ичкиликка ружу қўйган 57 нафар шахс ҳам ётқизилди.

Шунингдек, ички ишлар органлари ходимлари томонидан қидирувда бўлган 2 нафар шахс ушланди. Бедарак йўқолган 1 нафар шахс топилди. Ов қуроли ва ўқ-дориларни ноқонуний сақлаш билан боғлиқ 2 та ҳолат аниқланди. Муқаддам содир этилган 1 та жиноят очилди.



Бундан ташқари, Бахмал ва Ғаллаорол туманларида гиёҳванд моддалар сақлаш, Зомин ва Пахтакор туманларида эса қўшмачилик жиноятлари фош этилди. Жиззах шаҳрида 3 та, Бахмал туманида 1 та фоҳишалик билан боғлиқ қонунбузарлик қайд этилиб, ҳолатлар юзасидан тегишли чоралар кўрилди.

Вилоятнинг бошқа давлатлар билан чегарадош ҳудудларида яшовчи аҳолига мамлакатимиз сарҳадларини ноқонуний кесиб ўтиш, қонунга зид тарзда товар-моддий бойликлар, гиёҳванд ва психотроп моддалар ҳамда қурол-яроғларни республикамизга олиб кириш ва олиб чиқишнинг ҳуқуқий оқибатлари тушунтирилаётир. Бу борада ДХХ чегара қўшинлари, Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари билан ҳамкорлик қилинмоқда.

Эътиборли жиҳати, вилоятда ўтказилаётган тезкор профилактик тадбирлар давомида аҳоли дуч келаётган ижтимоий-иқтисодий муаммолар аниқланиб, уларни ҳал этиш мақсадида тегишли идора ва ташкилотларга тақдимномалар киритилаётир. Фуқароларга коронавирус инфекциясини юқтирмаслик бўйича тавсиялар берилмоқда. Ўз навбатида, амалдаги карантин қоидаларини бузганларга нисбатан маъмурий баённомалар расмийлаштириляпти.

Бир ой давом этадиган «Тозалаш–антитеррор» тезкор профилактик тадбири ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, жамоат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Жиззах вилояти.*

ИЗҚУВАР ФАОЛИЯТИДАН

# КЕЛАЖАГИМИЗ ЎЗ ИЗМИМИЗДА

**Ўша пайтда вилоят ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ ўта муҳим ишлар бўйича тезкор вакили лавозимида хизмат қилардим. Урганч туманида қотиллик жинояти содир этилгани ҳақда хабар қилишди. Зудлик билан ҳодиса жойига етиб бордим.**

У ерда марҳуманинг қўшниси Шарофат исмли аёлни учратдим ва ундан Карима ҳақида суриштирдим. Қўрқувдан ҳали ҳам ўзига келолмаган Шарофат кўрганлари ҳақида сўзлаб берди:

– Эрта тонг билан қўшнимнинг эшигини тақиллатдим. Аммо ичкаридан ҳеч ким жавоб бермади. Қарасам, эшик қулфланмаган экан. Ичкарига кирдиму, эсанкираб қолдим. Чунки Карима полда юзтубан чўзилиб ётарди. Уни турғазмоқчи бўлдим. Аммо у жонсиз эди. Қўрққанимдан ташқарига отилдим... Воқеадан хабар топган турмуш ўртоғим Урганч тумани ИИБга қўнғироқ қилди. Кўрган-билганларим шу.

Ҳодиса жойига етиб келган тергов-тезкор гуруҳи ходимлари жиноят тафсилотини ўргана бошлашди. Экспертлар воқеа жойини кўздан кечириб, қўл-бармоқ изларидан намуналар олишди. Орадан кўп ўтмай, суд-тиббий экспертизаси ходимлари ҳам етиб келиб, аёл бўғиб ўлдирилган, деган хулосани беришди. Воқеа жойини кўздан кечирар эканман, хона бурчагидаги ароқ шишаси ҳамда тузланган бодринг банкасига кўзим тушди. Шиша ва тузламанинг янги очилгани шундоқ кўриниб турарди. Қотиллик спиртли ичимлик таъсирида амалга оширилган, деган тахминга келдим ва тергов-тезкор гуруҳи раҳбарига бу ҳақдаги фикримни айтдим. У тахминимни маъқуллади.

Шундан сўнг маҳалладаги жиноят содир қилишга мойил бўлган ҳамда спиртли ичимликка ружу қўйган шахсларнинг ҳаёт тарзини ўргана бошладим. Кўп ўтмай, Кариманинг ён қўшниси, илгари бир неча бор судланган Шомурод ичкиликка берилган шахс сифатида ҳисобда туришидан хабар топдим ва тезда унинг уйига келдим. Аммо хонадон эшиги қулф эди. Қўшнилари у ёлғиз яшашини, ичкиликбозлик сабаб турмуши бузилганини айтишди. Унинг қаерларга бориши, яқин алоқалари билан қизиқдим ва ўша манзилларга кириб чиқдим. Аммо уни сўнгги икки-уч кун ичида ҳеч ким кўрмаганди.

Суриштирувни давом эттирдим. Тушга яқин вилоят ИИБ ЭКБ экспертлари ҳодиса жойидан олинган қўл-бармоқ излари муқаддам бир неча бор судланган К.Шомуродга тегишли эканлигини аниқлашди. Шундан сўнг ҳаммаси аён бўлди. Зудлик билан гумонланувчини излаб топиш ва қўлга олиш чоралари кўрилди. Афсуски, у ҳеч қаерда йўқ эди.

Уч кунлик тинимсиз саъй-ҳаракатлардан сўнг Шомурод Урганч шаҳар ҳудудида пайдо бўлгани ҳақда хабар олдик. Катта тезкор вакил, капитан Жаҳонгир Отажонов билан зудликда ўша ҳудудга етиб бордик. Бизга кўзи тушган Шомурод қўлга тушмаслик учун жон-жаҳди билан қоча бошлади. Кўп қаватли биноларга етмасиданоқ, уни қўлга олдик.

Кейинчалик Шомурод ўша мудҳиш тунни шундай эслади:

– Уйда ўтириб бир шиша ароқ ичдим. Негадир яна ичгим келди. Қўшним Карима ароқ сотарди. Вақт алламаҳал бўлишига қарамай, унинг уйига бордим ва ароқ беришини сўрадим. У аввалги қарзларни беришимни талаб қилди. Мен бир ҳафта ичида барча қарзларимни қайтаришимни айтдим. У менга ишонмади. Қайсарлигидан жаҳлим чиқди ва юзига бир мушт туширдим. Карима ерга йиқилди. Ўзимни тутиб туролмай, унинг дуч келган жойига тепа бошладим. Бироздан сўнг у тинчиб қолди. Мен ичкари хонага кириб, бир шиша ароқ олиб чиқдим-да, тузланган бодрингни газак қилиб, шу ернинг ўзида ичдим. Қайтаётганимда Кариманинг билинар-билинмас нафас олаётганини кўриб қолдим ва уни бутунлай тинчитиш мақсадида бўғиб ўлдирдим. Қилмишимдан жуда афсусдаман...



Шомуроднинг сўзларини диққат билан тингларканман, ичкилик унинг бутун ҳаётини изидан чиқарганига амин бўлдим.

Афсуски, кўпинча келажагимиз ўз измимизда эканини унутиб қўямиз...

**Ботир ОТАЖОНОВ,**
**подполковник.**
*Хоразм вилояти.*

НАГРАЖДЕННЫЕ РОДИНОЙ




# «Главное – хорошо выполнять свою работу»

**– так говорит младший инспектор информационно-аналитического отдела Главного управления обеспечения безопасности на транспорте МВД Республики Узбекистан младший сержант Саидкамол Содиков, награжденный Указом Президента Республики Узбекистан медалью «Шухрат».**

С самого начала введения карантинных мер все усилия были направлены на сохранение здоровья граждан. Эпидемиологическая ситуация внесла изменения во все сферы жизни, в том числе и в режим работы младшего сержанта С. Содикова.

Его привлекли к деятельности рабочей группы по борьбе с распространением коронавирусной инфекции, созданной в МВД Республики Узбекистан, так как Саидкамол имеет за плечами десятилетний стаж в области ведения отчетности и статистики. Сегодня он ведет централизованный учет информации по распространению инфекции и работе сотрудников органов внутренних дел.



– Семнадцать лет службы прошли под девизом: главное – хорошо выполнять свою работу. Считаю, что задача блюстителей порядка заключается в том, чтобы приходить на помощь соотечественникам. Нужно все делать на совесть, тогда родным не будет за нас стыдно, и мы не опустим глаза перед людьми, – признается Саидкамол Содиков. – Хочется отметить, что эта награда не столько моя, сколько моих коллег, наставника – старшего следователя подполковника Фархода Мухитдинова. Они всегда рядом, всегда поддержат. Хочу выразить благодарность за столь высокую оценку труда руководству страны и МВД. Обещаю служить с еще большей отдачей, не жалея сил, во имя процветания родной страны.

**Азиза АГЗАМХОДЖАЕВА,**
**корреспондент «На посту».**



# ПРОЯВЛЯЯ В СЛУЖБЕ САМООТВЕРЖЕННОСТЬ

**За достойный вклад в противодействие распространению коронавирусной инфекции, проявленный профессионализм при выполнении задач по обеспечению санитарно-эпидемиологического благополучия Указом Президента Республики Узбекистан майор Бекзод Камалов удостоен медали «Содиқ хизматлари учун».**



Бекзод Камалов является начальником отдела хозяйственного и материально-технического обеспечения колонии по исполнению наказания № 22 ГУВД Ташкентской области.

Нынешние непростые условия пандемии внесли коррективы в режим службы Б. Камалова. Проявляя самоотверженность, он принимал непосредственное участие в реализации мероприятий, направленных на ее сдерживание.

– С момента объявления в стране противоэпидемиологических мер вместе с коллегами был привлечен к деятельности по оборудованию карантинной зоны в Юкоричирчикском районе, – рассказывает майор Камалов. – После завершения всех подготовительных работ продолжил службу на данном объекте, выполняя задачи по обеспечению его функционирования, неукоснительного соблюдения гражданами установленных правил.



Службу в карантинной зоне он нес в должности заместителя начальника штаба, ежедневно принимая организационные и управленческие решения по бесперебойной работе всех звеньев структуры карантинной зоны, проявляя при этом высокую организованность, требовательность к себе и подчиненным.

Готовя данный материал, мы побеседовали с начальником колонии подполковником Ильхомом Нуралиевым, который, в частности, отметил:

– Это целеустремленный, преданный своему делу офицер. В настоящее время он результативно продолжает свою деятельность по укреплению материально-технической базы нашего учреждения, эффективному решению вопросов его снабжения, контролирует ход ведущихся ремонтно-строительных работ. Награждение майора Камалова – достойное признание его труда.

– Огромная честь быть отмеченным Указом Президента Республики Узбекистан. Эта медаль возлагает на меня еще большую ответственность, – говорит Бекзод Камалов. – Считаю, что награда – это и заслуга моих наставников – полковника Абдужаббора Расулова, подполковников Шерзода Яминова, Исомиддина Андамуратова и др., это и признание труда моих коллег, с которыми я плечом к плечу несу службу во имя Родины, ее благополучия.

**Радик ТУМПАРОВ,**
**корреспондент «На посту».**
*Ташкентская область.*



Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири.

# ЎРГАНДИМ

Ўргатган одамнинг сўзида офтоб,
Ўрганган одамнинг юзида офтоб.
Яшамоқ — аслида сўроққа жавоб,
Эй, Сиз илк устозим — Онам, дилбандим,
Ватанни севишни сиздан ўргандим.

Дердингиз, райҳонда дилнинг ранги бор,
Муҳаббат аҳлида гулнинг ранги бор,
Меҳру оқибатда элнинг ранги бор,
Элга эландим мен, сизга эландим,
Ватанни севишни сиздан ўргандим.

Дегансиз, ҳақ сўзнинг ташнаси бўлгин,
Садоқат саҳросин чашмаси бўлгин,
Яхшилик азмида тўкилгин, тўлгин,
Она, дилингизда дарё кўргандим,
Ватанни севишни сиздан ўргандим.

Офтоб остонамдан кетганда билдим,
Ботар манзилига етганда билдим,
Чўбин отингизни тутганда билдим,
Кеч деди, ҳеч дедим, дийдор тиландим,
Ватанни севишни сиздан ўргандим.

Онани асраш бу — Ватанни асраш,
Онадек бағри кенг чаманни асраш,
Керак, ҳей, онадек гулханни асраш,
Сизни эсласам ҳам бахтга беландим,
Ватанни севишни сиздан ўргандим.

Оналар дунёнинг дури азали,
Эй, сиз — кўнглим кўзин сўнмас машъали,
Соғинчим оҳининг битмас ғазали,
Руҳий оламингиз тинчин тиландим,
Ватанни севишни сиздан ўргандим.

ЁШЛАР – КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ

# ШАҲНОЗАНИНГ ШАХДАМ ҚАДАМЛАРИ

Шаҳноза Ибодова 2019 йилнинг март ойи охирларида Когон шаҳар ИИБ психологик таъминлаш гуруҳи психологи этиб тайинланди. Энг тажрибали ва ҳурмат-эътиборли ходимлардан соҳанинг сир-асрорларини ўргана бошлади.

Лейтенант Ш. Ибодова кундан-кунга малакасини ошириб, раҳбарият назарига тушди. Орадан уч ой ўтиб, Олот тумани ИИБ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаси хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектори лавозимига тайинланди. Туманда унга бўлим бошлиғи ўринбосари, подполковник Ҳаёт Шодиев устозлик қиляпти.

– Мураббий ва устозларимдан миннатдорман, – дейди лавҳамиз қаҳрамони. – Эришаётган ютуқларимда ҳар бирининг муносиб ҳиссаси бор. Улардан талабчанликни, касбга садоқатни, топшириқларни пухта ва аниқ бажаришни ўрганиб, амалий тажриба орттиряпман.





Туманда хотин-қизлар ўртасида жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, турли соҳада ўз қобилиятини намоён этиш, имкониятларини рўёбга чиқариш мақсадида ёрдамга муҳтож, қийин вазиятга тушиб қолган, жиноят содир этишга мойил аёллар билан ишлаш мақсадида лейтенант Ш. Ибодова бир қанча ишлар олиб борди. Хусусан, оила-турмуш доирасидаги жанжаллар оқибатида бузилган муносабатларни қайта тиклаш, оилавий жанжалларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш борасидаги ишларни таҳлил қилиб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича туман ҳокимлигига қатор таклифлар киритди.



Шунингдек, оила-турмуш доирасида содир этилган тан жароҳати етказиш билан боғлиқ жиноятларни маҳаллалар ҳузуридаги Яраштириш комиссияларида ўз вақтида муҳокама қилиб келяпти. Ўтказилаётган профилактик тадбирларга маҳалла фаоллари, хотин-қизлар қўмитаси, қолаверса, Хотин-қизлар билан ишлаш, оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассисларни ҳам жалб этган ҳолда, уларнинг масъулиятини ошириб бормоқда.

Шунингдек, туман бўйича ажралиш ёқасига келиб қолган 34 та оиладан 20 тасини яраштиришга ўзининг эгаллаган билим ва касб маҳорати билан муносиб ҳисса қўшди. Қолаверса, ноқонуний никоҳ асосида яшаётган 17 та оиладан 5 тасини расмийлаштирди. Юқорида кўрсатиб ўтилган тоифалар билан доимий равишда профилактик ишлар олиб бормоқда. Бундан ташқари, корхона ва ташкилотлар, таълим муассасалари ҳамда меҳнат жамоалари билан аёллар ва вояга етмаганлар жиноятчилиги, ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича тарғибот учрашувлари ўтказиб, «Менинг маҳалламда жиноят содир этилмаслиги керак» шиорини ҳар бир маҳалла фуқароси эътиборига етказди. Оилаларда, қўни-қўшнилар орасида, ташкилотларда жабрланаётган аёлларга жами 17 та ҳимоя ордери берди.

Касбига чинакам меҳр қўйган киши доимо янгилик сари интилади. У хизмат фаолиятидан унумли фойдаланиб, зиммасидаги вазифаларни вақтида бажарганлиги боис кам бўлмади. Ҳамманинг эътиборида, ҳамкасблари орасида эса эътирофда. Шунингдек, бўш пайтларини ҳам унумли ўтказади. У бадиий асарлар ўқиш билан бирга, спорт билан шуғулланишни ҳам канда қилмайди.

Лейтенант Ш. Ибодова оилада суюкли ёр, меҳрибон она. У хизмат вазифасини тўла-тўкис бажариш билан бирга, рўзғор юмушларига ҳам улгуради. Энг муҳими, юрт осойишталигини таъминлашга озми-кўп ҳисса қўшаётганидан ҳамиша бахтиёр.

**Мирзоқул АҲАДОВ,**
**«Postda» мухбири.**

*Бухоро вилояти.*

**Суратларда:** *Олот тумани ИИБ ҲПБ хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектори, лейтенант Шаҳноза Ибодованинг хизмат фаолиятидан лавҳалар.*

МУСТАҚИЛЛИК 2017 йил СОЛНОМАСИ

► 2017 йилнинг энг бахтли мамлакатлари рўйхатида юртимиз ўтган йилдагига нисбатан икки поғона юқори кўтарилиб, 155 давлат ўртасида **47**-ўринни эгаллади. Мазкур кўрсаткич билан Ўзбекистон МДҲ, Болтиқбўйи мамлакатлари, қолаверса, Италия, Япония, Корея Республикаси, Туркия, Гонконг, Хитой ва бошқа ривожланган давлатлардан ҳам илгарилаб кетди.



МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

# ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА ХОДИМЛАР МАНФААТИ ЙЎЛИДА



**Ҳарбий хизматчилар, ходимлар ва уларнинг оила аъзолари билан Навоий вилоятида Миллий гвардия қўмондонлиги ва мутасадди ташкилотларнинг вилоят бошқармалари раҳбарлари иштирокида сайёр қабул бўлиб ўтди. Қабул жараёнида асосий эътибор ҳарбий хизматчилар, ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, муаммоларини бартараф этиш масалаларига қаратилиб, келиб тушган мурожаатлар бўйича тегишли вазифалар белгиланди.**



Шунингдек, мазкур тадбир сўнгида ҳарбий хизматчи ва ходимларнинг жанговар ҳамда жисмоний тайёргарлигини янада ошириш, улар ўртасида соғлом муҳитни кенг ёйиш мақсадида Миллий гвардия қўмондонлиги ташаббуси билан Навоий шаҳридаги «Ёшлик» кўлида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари ўртасида спортнинг триатлон тури бўйича мусобақа ташкил этилди. Унда Миллий гвардия, ички ишлар, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар бошқармаларидан жами 24 нафар ҳарбий хизматчи ва ходим иштирок этди. Улар 200 метрга сузиш, 4000 метрга велопойга ҳамда 2000 метрга югуриш бўйича ўзаро беллашди.

Якуний натижаларга кўра, ғолиб ва совриндорларга ташкилотчиларнинг диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

# АҲОЛИ ХАВФСИЗЛИГИНИ КЎЗЛАБ

**Доно халқимиз бежиз «Ўт балосидан, сув балосидан, қуруқ тұҳматдан Яратганнинг ўзи асрасин» демайди. Кутилмаганда содир бўладиган ёнғинлар, тошқинлар аҳоли саломатлигига, одамларнинг мол-мулкига, давлат ва жамоат тасарруфидаги бино-иншоотларга катта миқдорда зарар етказиши мумкин.**



Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президенти Админстрациясининг жорий йил 22 май кунидаги топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида куни кеча Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги «Оқработ» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида «Гидротехник иншоотлар атрофида яшовчи аҳолини табиий офатлар ва фавқулодда ҳолатларда эвакуация қилиш ҳамда ҳамкорликдаги тузилмаларнинг ҳаракати» мавзуида махсус-тактик ўқув машғулоти бўлиб ўтди. Унда Миллий гвардиянинг вилоят бўйича бошқармасидан ажратилган куч ва воситалар, ҳамкорликдаги вазирлик ва ташкилотлар ҳамда маҳаллий аҳоли вакиллари иштирок этди.

Машғулот бошланишидан аввал ходимлар маҳаллий аҳоли билан тушунтириш ишларини олиб борганликлари туфайли тадбир давомида фуқароларнинг фаол иштироки ва фавқулодда ҳолатларга доимо тайёр бўлишга интилаётганлиги яққол сезилиб турди.

Тадбир якунида эса Миллий гвардия мутасадди раҳбарлари томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда келгусидаги тезкор ҳаракатлар юзасидан бир қатор вазифалар белгилаб олинди.



## ФУҚАРОНИНГ ҲАЁТИ САҚЛАБ ҚОЛИНДИ

Жорий йилнинг 20 август куни тахминан соат 12:40 ларда Гулистон шаҳри бўйлаб жамоат тартибини сақлаш бўйича патруллик хизматига жалб қилинган Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари шаҳарнинг Боғишамол маҳалласи ҳудудидаги кўп қаватли уйларнинг ёнидан ўтиб кетаётганида, иккинчи қаватдаги деразаларнинг биридан тутун чиқаётганлигини кўриб қолади. Улар бу ҳақда дарҳол ёнғин хавфсизлиги хизматига хабар берадилар. Шундан сўнг ўша хонадонда яшовчи оила аъзоларини хавфдан огоҳлантириш, зарур бўлса ёрдам бериш учун эшик қўнғироғини жиринглатишади. Аммо бунга ҳеч ким жавоб бермайди. Шу сабабли қўшнилар гувоҳлигида уйнинг эшигини бузиб ичкарига киришади.

Улар не кўз билан кўришсинки, уй эгаси спиртли ичимлик истеъмол қилиб, маст ҳолатда ҳушсиз ётарди. Бунинг устига у ётган тўшак аланга олаётганди. Зудлик билан ёнғин ўчирилади. Фуқаро хавфсиз жойга олиб чиқилиб, унга биринчи тиббий ёрдам кўрсатилди. Аниқланишича, уй эгаси 1961 йилда туғилган Н.Т. бўлиб, спиртли ичимлик таъсирида ухлаб қолган экан. Унинг ёндирилган сигаретаси қолдиғи тўшакка тушиб, ёнғин келиб чиқади.

Ҳозирда мазкур ҳолат юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

## МУАММОЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

Миллий гвардиянинг Самарқанд вилояти бўйича бошқармасида ҳарбий ҳизматчиларнинг оила аъзолари учун сайёр қабул ташкил этилди. Унда Миллий гвардия қўмондони ўринбосари, полковник С. Мамаюсупов, вилоят ҳарбий прокурори, адлия полковниги О. Ўсаров, вилоят ҳокими ўринбосари Р. Қобилов ва ижтимоий-иқтисодий йўналишлардаги муассасаларнинг раҳбарлари иштирок этишди. Тадбирда ҳарбий ҳизматчиларнинг оиласида учраётган муаммоларни бартараф этиш, ўз ечимини кутаётган масалаларни биргаликда ҳал қилиш мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидланди.

Шунингдек, иштирокчиларнинг уй-жой, имтиёзли кредит олиш, ҳарбий ҳизматчиларнинг ўз вилоятларида хизматни давом эттириши ҳамда болалар саломатлигини ҳимоя қилиш борасидаги бир қатор саволларига мутасадди ташкилот раҳбарлари томонидан жавоб қайтарилиб, мазкур муаммолар ўз жойида ҳал қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, илк маротаба Самарқандда ташкил этилган сайёр қабулда нафақат муаммолар ҳал этилди, балки тизим билан яқинроқ танишиш, соҳадаги сўнгги янгиликлардан хабардор бўлиш имконияти ҳам яратилди. Келажакда бу каби тадбирларни тез-тез ўтказиб туриш режалаштириб олинди.

## МЕҲР-МУРУВВАТ – ИНСОН ЗИЙНАТИ

Аҳолининг турмуш шароитини ўрганиш, одамларнинг муаммоларини бартараф этиш ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳозирда давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланган. Шу боисдан Миллий гвардиянинг Андижон вилояти бўйича бошқармаси ҳамда Қўриқлаш бошқармаси масъул ходимлари маҳалла мутасаддилари билан уйма-уй юриб, кам таъминланган, ногирон, боқувчисини йўқотган ва эҳтиёжманд оилаларнинг яшаш шароити яқиндан ўрганишмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг 20 август куни Андижон шаҳар «Янги ҳаёт» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи 1-гуруҳ ногирони Д. Миролимов ҳолидан хабар олиниб, унинг ҳаракатланиши учун зарур бўлган ногиронлик аравачаси топширилди. Оила аъзолари билан суҳбатлашилиб, муаммолари кўриб чиқилди.

